



# VATANDOSH

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

Нархи: \$0.25

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | АҚШдаги биринчи ўзбекча газета | 2012 йил 17 сентябрь, № 7 (18)



**Мустақиллик байрами  
муносабати билан  
Нью-Йоркда Ўзбекистон  
байроғи кўтарилди 2-бет**



Ўзбекистоннинг  
АҚШдаги элчиси  
Илҳом Неъматов:

«АҚШ ҳам,  
Ўзбекистон ҳам икки  
томонлама алоқаларни  
ривожлантиришга  
катта қизиқиш  
билдиarmoқда»

**3-бет**



**Шакира Тошкентга келадими?**

**6-бет**



Шу кунларда Америкада Президент сайловлари ўзининг энг қизғин палласига кирди. Ҳар иккала номзод ҳам сайловчилар фикрига салбий таъсир кўрсатадиган турли баёнотлар, хатти-харакатлардан ўзларини тийиб, фақат сайловчилар симпатиясига қараб, мавзуларни, муаммоларни муҳокама қилишмоқда. АҚШнинг амалдаги президенти Барак Обама ҳокимият тепасига келгач, ўзининг тинчликпарвар сиёсати билан кўплаб америкаликларнинг назарига тушган эди. Унинг Афғонистон ва Ироқ бўйича якуний қарорни қабул қилиши ва бошқалар бунга яққол мисолдир.

**10-бет**



**Доставка товаров в Узбекистан**

Надежность, Оперативность и высокое Качество обслуживания

**Parcels and Documents Delivery to Uzbekistan**  
Reliable, efficient and high quality services

**USA**

**3075 Brighton 14 street, apt.34b  
Brooklyn, New York.**

**11235-5561**

**Tel.: +14077220408**

**www.khaymansgroup.com**

**e-mail: info@khaymansgroup.com**

**KHAYMANS GROUP**  
CARGO SERVICE COMPANY IN USA

Газетага сайтимиз орқали обуна давом этмоқда: [www.vatandosh.com/obuna](http://www.vatandosh.com/obuna)

# Мустақиллик байрами муносабати билан Нью-Йоркда Ўзбекистон байроғи кўтарилди



**Манхэттендаги Bowling Green Park (Wall Street яқинида) Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тантанали кўтариш маросими ўтказилди. Ўзбекистоннинг Нью-Йоркдаги Бош консулхонаси, Туркистон - Америка ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда АҚШ ўзбеклари, ушбу мамлакатда хизмат вазифаларини бажарётган ўзбекистонликлар, бошқа давлатлар вакиллари иштирок этишди.**

Тадбирни очар экан, Ўзбекистон Республикасининг Нью-Йоркдаги Бош консули Дурбек Аманов, Ўзбекистон байроғини кўтариш маросими аънава тусини олаётганини айтиб, барчани Ўзбекистон Республикасининг Бош консулхонаси, АҚШдаги барча дипломатик вакиллари номидан Мустақиллик байрами билан табриклар, омад тилади.

Туркистон - Америка ассоциацияси президенти Абдулла Хўжа барчани ушбу акцияга келгани учун ташаккур билдириб, шундай деди:

"- Биласизлар, Мустақиллик Аллоҳнинг бизга берган неъматидир бўлиб, ҳар бир инсон овоз ва эркин яшаши керак бу дунёда. Мустақиллик ҳеч бир нарсага бадал бўлмайди. Уни қадрлашни билишимиз керак. Мустақилликни маҳкам ушлашимиз керак. Бу ҳаммамизнинг вазифамиз. Ўзбекистоннинг



мустақиллиги абадий бўлади. Яшасин, Ўзбекистони-миз! Яшасин, Мустақиллигимиз! Яшасин Ўзбек халқи ва миллати!"

Тадбирда АҚШда истиқомат қилаётган ўзбек диаспораси вакиллари ҳам фаол қатнашиб, барчани байрам билан кутладилар. "Муруват" жамоатчилиги маркази раҳбари Тамара Назарова Мустақилликнинг йигирма

йиллиги билан барчани кутлар экан, Истиқлол ўзбек халқига озодлик берганини таъкидлади. "Мана шу, мустақиллик туфайли бугун Америкада, АҚШдаги шаҳарда мустақиллик байрамини нишонланяпмиз, байрам қиляпмиз... Мусофир бўлиб, шу ерда юрсак ҳам қалбимиз, юрагимиз Ўзбекистонда", деди у, жумладан.

Мустақиллик байрамида иштирок этганлар, бу байрамнинг нечоғли улғу эканлигини айтишиб, уни жуда кенг ва катта қувонч билан нишонлаш зарурлигини уқтирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мамлакатимиз мадҳияси садолари остида кўтарилди.

## Конгрессмен Бэртон: "Биз Марказий Осиёнинг катта қисмини ёддан чиқариб қўйгандик"

**Яқин келажакда Марказий Осиё мамлакатлари парламент делегациялари Вашингтонга таклиф қилинади. "Ипак йўли" янгиликлар лентасининг республикачилар партиясидан сайланган конгрессмен Дэн Бэртонга таяниб ёзишча, Конгрес Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари билан тўғридан-тўғри мулоқотларни кенгайтирмоқчи.**

"Ушбу мамлакатлар аксарияти демократик давлат барпо этишнинг бошланғич босқичида бўлиб, уларнинг қонунчилик ҳокимияти ўз сайловчилари ва мамлакатига хизмат қилиш учун қўшимча имкониятларни излашмоқда. Шу боис ҳам АҚШ Конгресси ва ушбу мамлакатлар қонунчилик органлари билан ҳамкорлик қилиши нафақат икки томонлама дўстликни мустаҳкамлашда, балки минтақада хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган муносабатларни шакллантиришда ўта муҳим

аҳамиятга эгадир", деди жаноб Бэртон. "Биз Марказий Осиёнинг катта қисмини эътибордан четда қолдирдик, аслида бундай бўлмаслиги керак эди. Мен ушбу мамлакатлар делегациялари билан мулоқот қилиб, уларнинг кўпчилиги АҚШ Конгрессига делегацияда иштирок этишмаганини эшитиб, жуда ҳайратландим. Шунинг учун бундай делегация алмашувларини кўпайтириш жуда муҳимдир", деб қайд этади конгрессмен.

Эслатиб ўтамиз, Дэн Бэртон бошчи-



лигидаги АҚШ Конгресси делегацияси шу йилнинг июль ойида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистонга ташриф буюрган эди.

Vol. 7 (18). Monday, September 17, 2012

Publisher:

**Farhod Sulton**

farhod@vatandosh.com

Deputy Editors:

**Murod G'afurov**

**Mavlon Shukurzoda**

shukurzoda@vatandosh.com

Managing Editors:

**Jora Bo'takoz**

**Lutfulla To'ra**

**Narkhudja Sadikov**

**Abdulvohid Sabri**

**Abdurahim Khamidov**  
**Abdurahmon Mamanjanov**

**Ubaydulla Noorota**

**Hikmat Sulton**

**Tamara Nazarova**

Web Developers:

**Shohruh Kenjaev**

Partner organization:

**Uzbek Association of Commons**

**Editorial and Executive office:**

2705 Coney Island Ave.

Brooklyn, NY. 11235

**Phone:** 646.397.0325

**Web:** www.vatandosh.com

**Email:** info@vatandosh.com

*All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher. The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view. We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.*

## "ВАТАНДОШ"ГА ОБУНА БЎЛИНГ:

Газетамизга обуна бўлинг. "Ватандош" ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

[www.vatandosh.com/obuna](http://www.vatandosh.com/obuna)

**Бугун Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик ҳамкорлик алоқалари янада ривожланиб, янги босқичга кўтарилди. "Ватандош" газетаси ана бу жараённи кенг жамоатчиликка етказиш, қолаверса, мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг АҚШда Фавқулодда ва мухтор элчиси Илҳом Неъматов билан суҳбат уюштирди. Қуйида уни эътиборингизга ҳавола этамиз.**



## Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Илҳом Неъматов:

# «АҚШ ҳам, Ўзбекистон ҳам икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга катта қизиқиш билдирмоқда»

**- Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида сўнгги йилларда ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда янги босқичга кўтарилди, бошқача айтганда, жадаллашди. Буни қандай омиллар билан изоҳлаш мумкин?**

- Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги алоқалар сезиларли даражада жадаллашиб, янги бир босқичга кўтарилди. Бунга, албатта, икки мамлакат президентлари: Ислон Каримов ва Барак Обама ўртасидаги хат алмашинувлар, телефон орқали мулоқотлар жуда ижобий таъсир ўтказди. Кейинги пайтда, хабарингиз бор, АҚШ давлат котиби Хиллари Клинтон хоним икки марта Ўзбекистонга ташриф буюрди. Биринчи ташриф 2010 йилда бўлган бўлса, иккинчи ташриф 2011 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтди. Мана шу ташрифлар чоғида Клинтон хоним давлатимиз раҳбари билан мазмунли суҳбатлар ўтказди. Шу билан бирга, икки томонлама алоқалар доирасида парламентлараро ҳамкорлик ҳам кескин ривожланди. Биргина мисол, шу йилнинг апрель ойида жуда катта Ўзбекистон парламенти делегацияси АҚШга ташриф буюриб, Конгрессда мулоқотлар олиб борди, қолаверса, Шимолий Каролинада маҳаллий парламент фаолияти билан яқиндан танишдилар. Конгресс делегацияси ҳам Ўзбекистонга ташриф буюриб, нуфузли учрашувларда, жумладан, давлатимиз раҳбари қабулида бўлишди. Хусусан, яқинда Тошкентда Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматларининг сиёсий маслаҳатлашувлари, 70 дан ортиқ АҚШ компани-

ялари, шу жумладан, 25 дан зиёд йирик Америка компаниялари қатнашган бизнес-форум бўлиб ўтди. Ушбу йирик анжуманлар шуни кўрсатдики, АҚШ тарафдан ҳам, Ўзбекистон тарафдан ҳам алоқаларни ривожлантиришга жуда катта қизиқиш бор. Уйлайманки, яқин истиқболда АҚШ ва Ўзбекистон алоқалари янада ривожланиб, янги чўқиларга чиқади.

**- Маълумки, яқинда Олий Мажлис палаталари Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлади. Айтинг-чи, мазкур доктринал ҳужжатнинг қабул қилиниши АҚШ - Ўзбекистон муносабатларига қандай таъсир кўрсатади?**

- Аввало, шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон парламенти томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси жаҳон андозларига, халқаро ҳуқуқ талабларига, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави таъминлашига тўлиқ жавоб беради. Мазкур концепцияда давлатимиз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Улардан биринчиси, Ўзбекистон дунёнинг барча мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ва икки томонлама манфаатли алоқаларни ривожлантириб боради. Иккинчиси, Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсат олиб боради. Бу, демак, бошқа давлатлар ички ишига аралашмаслик, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш ва бошқа халқаро ҳуқуқий нормалар асосида бўлади. Учинчиси, Ўзбекистон турли

халқаро ташкилотларга кириш ва ундан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Концепциянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий блокларда иштирок этмайди ва ўз ҳудудида ҳеч қандай ҳарбий база жойлаштирмайди.

**- Афғонистондан НАТО кучларининг чиқиб кетиши Ўзбекистон учун қандай таъсир кўрсатади? Ўзбекистон 2014 йилдан кейинги режалари қандай?**

- Афғонистон Ўзбекистон учун иккита муҳим омил нуқтаи назаридан жуда аҳамиятлидир. Биринчиси, хавфсизлик бўлса, иккинчиси, иқтисодий омилдир. Иқтисодий омил ҳақида гапирганда, шуни айтиш керакки, Афғонистон Ўзбекистон экспорти, жаҳон бозорига чиқиши учун энг яқин йўлдир. Мана шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Афғонистонга тўла яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Хабарингиз бор, Ўзбекистон Афғонистонга электр энергияси етказиб беради. Бугун Ўзбекистон етказиб бераётган электр энергияси боис Кобул 24 соат электр таъминотига эга. Бундан ташқари, биз Афғонистоннинг шимолий музофотларида телекоммуникация тармоқлари барпо этилди. Чунончи, ушбу ҳудудда 11 дан ортиқ кўприклар барпо этилди. Яна бир қилинган энг катта иш - Афғонистон тарихида биринчи марта Хайратондан Мозори Шарифгача 70 километрлик темир йўл линияси қурилиб, бугунги кунда у яхши ишлаб турибди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Афғонистонга жуда кўплаб қурилиш материаллари экспорт қилиб келмоқда. Уйлайманки, Ўзбе-

кистоннинг Афғонистон билан алоқалари яқин қўшничилик ва дўстона руҳда ривожланиб бораверади. Эътиборли жиҳати, бундай алоқалар тарихан шакланган. Масаланинг иккинчи жиҳати, яъни саволингиздан келиб чиқиб, 2014 йилдан сўнг АҚШдаги коалицияси чиқиб кетиши бўйича шуни айтиш мумкинки, хабарингиз бор, шу йилнинг май ойида Чикагода НАТО саммити бўлиб ўтган эди. Қолаверса, Стамбул, Бонн, Токио конференцияларида ҳам АҚШ ва НАТОга аъзо давлатлар шуни алоҳида қайд этишдики, улар 2014 йилдан сўнг Афғонистондан тўлиқ чиқиб кетмайди ва маълум бир кучлар у ерда қолиб, Афғонистон ҳукумати-га тинчликни сақлаш ва минтақада хавфсизликни таъминлашга яқиндан ёрдам беради. Қолаверса, жуда катта иқтисодий кўмак ажратилади. Бу юқорида қайд этилган конференцияларда ҳам бир неча бор қайд этилди. Мен умид қиламанки, Ўзбекистон 2014 йилдан кейин ҳам тарихан шакланган қардошлик алоқалари нуқтаи назаридан Афғонистонда қолган АҚШ ва НАТОнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликда минтақада хавфсизликни таъминлашга ўз хиссасини қўшади.

**- Мана, АҚШда анчадан бери Ўзбекистон дипломатик миссиясини бошқариб келмоқдасиз. Хориждаги кўплаб ҳамюртларимиз билан мулоқот қиляпсиз. Айтинг-чи, улар ҳақида нима дейсиз?**

- Биз АҚШдаги ватандошларимиз яқиндан ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият берамиз. Айниқса, Нью-Йорк, Нью-Жерси, Чикаго,

Сиэтл, Вашингтондаги ватандошларимиз билан мустақам иш олиб борамиз. Уларнинг тадбирларида қатнашамиз, улар ҳам, ўз навбатида, бизнинг тадбирларимизда фаол иштирок этишмоқда. Албатта, ватандошларимиз Ўзбекистон тарихини, маданияти, ҳозирги кунда мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларни бу ерда тарғиб қилишда жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун биз ҳамюртларимиз билан ишлашга жуда катта аҳамият беряпмиз. Сизга айтсам ҳам бўлади, яқинда АҚШдаги ўзбеклар диаспораси раҳбарлари билан учрашиб, келажакда қандай тадбирларни амалга оширишни муҳокама қилиб олмақчимиз. Шу муносабат билан мен барча ҳамюртларимизга ташаккур айтиб, уларни энг улуғ, энг азиз байрамимиз - Мустақиллик байрами билан табрикلامоқчиман. Уларга соғлиқ, оилавий хотиржамлик ва катта-катта муваффақиятлар тиламоқчиман.

**- Мустақилликнинг 21 йиллиги Сизнинг ҳаётингизда, ишда, оилангизда қандай из қолдирмоқда?**

- Аввало, мен ва оилам Мустақиллик даврида яшаётганидан, мустақиллигимизни янада мустақамлашга озгина бўлса-да ҳисса қўшишга имконият яратилганидан жуда катта, чексиз хурсандимиз.

**- "Ватандош" газетаси учун интервью беришга розилик берганингиз учун олдиндан ташаккур билдираман.**

**Фарҳод СУЛТОН суҳбатлашди.**

# Фарҳод Султон: «Ҳамюртларимиз инсонпарварлик туйғулари билан ўрнак бўла олади»

**'Vatandosh' газетаси тил, миллат ва Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган АҚШдаги бир неча зиёли ўзбек ёшлари ташаббуси билан 2011 йил бошида ташкил этилди. Ушбу нашр хорижда ўз тили, миллати ва динини унутиб бораётган ўзбекистонликлар учун ватанга боғлиқликларини таъминловчи, тил ва миллий урф-одатларни ўрганишда ёрдамчи ҳамда ташна кўнгилларга маънавий озуқа бўлади, деб умид қиламиз, дейди Фарҳод Султон.**

Фарҳод Султоннинг айтишича, газета ҳозирда Нью-Йорк шаҳрида яшаётган ўзбекларга ойига бир марта 5000 нусхада тарқатилмоқда.

У айни номдаги веб саҳифага бир йил ичида дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатидан 300 мингдан зиёд ўқувчи кирганини айтади.

Фарҳод Султон Ўзбекистоннинг Бўка шаҳрида туғилган.

Жаҳон тиллари университети инглиз тили факультети ва Тошкент ислом университети фикҳ бўлимларида таълим олган.

Уч йил давомида ислом университети лицейида араб тилидан дарс берган, ислом университети қошидаги "Зиё" студиясида ишлаган.

Фарҳод Султон шунингдек Ўзбекистонга оид [uztimes.com](http://uztimes.com) номли инглиз тилида веб саҳифа ҳам очган.

**Бехруз Алимов:** "Газетани очиш жудаям катта иш. Шунга газетани бир неча зиёли ёшлар ташаббуси билан очдик," дебсиз. Ким у ёшлар, қаерда ўқишади ёки қаерда иш-лашади? Ҳалиям ёшлар ҳисса кўшиб келишяптими? Газета очишдаги кўйилган мақсадларига эришдингизми? Раҳмат

**Фарҳод Султон:** Газета очилганидан бери элликка яқин журналист ва бошқа журналист бўлмаган ижодкорлар, ватандошларимиз газетада ўз мақолалари билан иштирок этишди. Мавлон Шукурзода, Бехзод Мамадиев, Даврон Тожиалиев, Шоҳрух Кенжаев, Алишер Айматли, Тошпўлат Раҳматуллаевларга алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман. Ундан ташқари, Жўра Бўтакўз, Лутфулла Тўра, Норхўжа Содиков, Абдурахим Ҳамидов, Абдраҳмон Мамажонов, Хикмат Султон ва Тамара Назароваларга газетаимиз фаолияти учун яқиндан хомийлик қилиб келаётгани учун алоҳида ташаккур айтишни истардим. Ижодкорларимизнинг асосий қисми АҚШда яшайди. Саволингизнинг иккинчи қисмига келадиган бўлсак, мақсадимизга аста-секин эришяпмиз.

**Шухрат, Қарши:** Фар-

ҳод акага саволим кўйидагича: Америкадаги ўзбеклар истаган истаган мавзуларда мақола ёзиш қийинми? Улар қайси мавзуларни ёритишингизни иштаси?

**Фарҳод Султон:** Аввал таъкидлаганимдек, "Ватандош"нинг асосий ўқувчилари - АҚШда истиқомат қиладиган ҳамюртларимиз. Шунинг учун АҚШдаги ижодкорларимизнинг асосий қисми, уларнинг талабидан келиб чиқиб, материаллар ёзишди. Дейлик, АҚШда миграция масалалари билан боғлиқ турли қонунчилик шарҳлари, турли социал таъминотдан фойдаланиш, Америка миграция қонунчилигидаги ўзгаришлар ҳусусида кўп материаллар берилади. Умуман, АҚШдаги ўзбеклар истаган мавзуларда ёзиш қийин эмас, бунинг учун кўпроқ ҳаракат қилиш, интилиш керак бўлади, холос. Қолаверса, Америкадаги, умуман, чет элдаги ўзбеклар учун Ўзбекистонда юз бераётган энг муҳим воқеалар, ижтимоий, сиёсий масалаларда, фан, маданият ва спорт соҳасига оид ахборотларни катта қизиқиш билан кузатиб боришади. Ўзбекистонлик спортчилар эришаётган ютуқлар ҳам ўқувчиларнинг диққат

марказида туриб келади.

**Шерзод Абдиев:** Ассалому алайкум, "Ватандош" таҳририй мезонлари нималардан иборат?

**Фарҳод Султон:** "Ватандош"нинг асосий мақсади - Ўзбекистон тарихи, бугуни ва келажаги ҳусусида таҳлилий чиқишлар, фикрлар, адабий ва бадиий жараёнлар, сиёсий, иқтисодий, маданий ўзгаришларни ёритиб бориш. Аввало, таҳририй мезонларидан энг муҳими - соф ўзбек тилида материаллар бериб боришдир. Бош мезон - чет элдаги ватандошларга керакли ахборотларни етказиб бериш.

**Муниса, Тошкент:** Ассалому алайкум! Би-биси меҳмонига саволим шундайки, хорижий ахборот воситалари ва ўзбек матбуоти қиёсланганда қандай фарқларни кўрасиз?

**Фарҳод Султон:** Ўзбек ва хориж оммавий ахборот воситаларини солиштирганда, албатта, хориж матбуотининг одамларга таъсир кўрсатиш доираси кенгайиб, улар изчил ривожланиб бораётганини тан олиш керак. Бугунги ўзбек оммавий ахборот воситалари тараққиётида турғунлик юзага келган. Албатта, UZ доменида пайдо бўлаётган турли сайтлар бу турғунликни имкон қадар қисқартиришга, одамларнинг ахборот олиш эҳтиёжларини қондиришда катта роль эгалламоқда. Бугунги жаҳон оммавий ахборот воситаларида кун мавзуларини хилма-хил ёритиш, таҳлиллар, айниқса, мутахассис ва экспертлар блогларидан кенг фойдаланилаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Бизнинг матбуотимизга ҳаёт ҳақиқатини ёритишдек бир вазифалар юкланганки, бу вазифалар бажарилмас экан, аудиторияни жалб қилиш сустигича қолаверади.

**Аброр Жўраев, Лондон:** Газетани ва веб-сайтни иш бошлагандан бери кузатиб бораман. Фарҳод акага саволим:

Фақат Америка билан боғлиқ ватандошларимиз ҳақида маълумот оламиз, қолган давлатлардаги ҳамюртларимиз ҳақида ҳам маълумотлар беришни иложи борми?

**Фарҳод Султон:** Албатта, ҳозирги кунда асосан АҚШдаги ҳамюртларимиз фаолияти, турмуш тарзи, улар ўтказётган турли тадбирлар, миллий ва маърифий кечалардан репортажлар, ахборотлар бериб бораёпмиз. Бугунги кунда АҚШнинг қарийб барча нуқталарида ҳамкор ижодкорлар билан мулоқот ўрнатганмиз. Истиқболда, албатта, Канада, Европа ва Осиёдаги ҳамюртларимиз ҳаётидан ҳам маълумотлар бериб бориш ниятимиз бор. Қолаверса, сайтимизда ана шундай қобилият эгалари учун "Сизда нима гап?" рукни очиб қўйганмиз. Мазкур рукн орқали Ватандошда бемалол иштирок этиш мумкин.

**Бахтиёр Расулов:** "Ватандош" учун материалларни қандай тайёрлайсизлар? Муаллифларни ҳамкорликка чорлаганмисизлар? Агар шундай бўлса, "Ватандош" билан жиддий ҳамкорлик қилса бўладими? Жавоб учун олдиндан раҳмат!

**Фарҳод Султон:** Бизнинг газета ва интернет сайтга материал тайёрлайдиган доимий муаллифларимиз бор, қолаверса, четдан муаллифлар ҳам жалб қиламиз. Айниқса, юрагида ёзишга иштиёқ кучли бўлган, Ватанимиз ҳақида, миллат ва халқ равақига қаратилган, дунёда юз бераётган материаллар ёзadиган журналист ва журналист бўлмаган юртдошларимиз учун ҳар доим ҳамкорлик учун очиқмиз.

**Муҳаммад солих, Швеция:** Бир учрашувда сизнинг саҳифангизни ўзбек МХХси таёрлаган хориждаги лойиҳалардан бири, деб атаганиди. Бу гапга сизни сайтни кузатиб бориб ўзим ҳам амин

бўлдим. Сайтда режимга қарши бирорта гап йўқ. Бунга нима дейсиз?!

**Фарҳод Султон:** Бу саволга биринчи марта дуч келаётгани йўқ. Ўзбекистондаги амалдаги ҳукуматни танқид қиладиган ҳар бир оммавий ахборот воситаси бошқа давлатлар махфий хизматларининг лойиҳаси бўлмаганидек, "Ватандош" ҳам МХХнинг лойиҳаси эмас. "Ватандош" АҚШда, қолаверса, чет элларда яшаётган ҳамюртларимизга маърифий, маданий, маънавий хизмат қилсин, деб очганмиз. Боз устига маънавий хизматни ўртага қўйиб, ёлгон гапирадиган даражада ахлоқсиз эмасмиз.

**Жаҳонгир, Нью-Йорк:** Фарҳод, мен 12 йилдан бери Нью-Йоркда яшайман. Сиз чоп этаётган газета ҳақида эшитганману лекин қўлимга олиб ўқиганим йўқ. Уни қаердан сотиб олиш мумкин? Олдиндан раҳмат.

**Фарҳод Султон:** Раҳмат, саволингиз учун. Газета Квинс ва Бруклинда 100дан ортиқ жойларда ҳар ойнинг 15 куни тарқатилади. Сиз [info@vatandosh.com](mailto:info@vatandosh.com) га электрон почта орқали ёзсангиз, сизга яқин дўконларнинг манзилларини юбораман.

**Шариф, Фарғона:** Америкада ўзбеклар орасида жиноят кўп содир этиладими? Охириги йилларда бир неча ўзбек диндор йигитнинг қамоққа олиниши ўзбеклар обрўсига таъсир қилдими?

**Фарҳод Султон:** Ўзбекистонлик бошқа давлатлар фуқароларига қараганда, анча қонунга итоаткор халқ. Буни АҚШ мисолида айтаяпман. Албатта, сўнгги йилларда ўзбекистонликлар билан боғлиқ бутун дунё шов-шув бўлган суд ишлари АҚШда бўлиб ўтган бўлса-да, бу Ўзбекистон халқи ҳақида умумий тасаввурни бермайди. Албатта, Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар ҳақида жуда кам ахборотга эга америкаликлар тасаввурига бу салбий кўрсатиши мумкин. Аммо асосий ҳамюртларимиз хорижда меҳнатсеварлик, инсонпарварлик туйғулари билан бошқаларга ўрнак бўла олади.

ТАТУ талабалари Webster университетиди дипломига эга бўлишлари мумкин



**Тошкент Ахборот технологиялари университетига Американинг Webster университети вице-президенти Грант Чампан ташриф буюрди.**

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, шу йилнинг май ойида Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Webster университети (Миссури штати) ўртасида англашув меморандуми имзоланган эди. Унга биноан, икки университет таълим ва фан соҳасида ҳамкорлик қилиш, шу жумладан, талабалар учун турли академик дастурларини жорий этиш, Webster университети халқаро кампуслари орқали талабалар ва аспирантлар алмашинуви йўлга қўйишни, илмий материаллар, мақолалар ва ахборотлар алмашиш, шунингдек, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб боришни кўзда тутди.

Грант Чампаннинг ТАТУга ташрифи чоғида "Менежмент ва ахборот технологиялари" йўналиши бўйича ўқув дастурлари борасида ўзаро фикр алмашилди. Масофавий таълимни жорий этиш, ўзаро талабалар ва магистрантлар билан алмашиш бўйича таклифлар киритилди, шунингдек, ТАТУ битирувчиларига иккита олий ўқув юртлари дипломларини топшириш масаласи кўриб чиқилди.

Яқин кунларда Ўзбекистонга Webster университети делегациясининг ташрифи режалаштирилган. Делегация таркибига масофавий таълим бўйича тегишли факультетлар деканлари ва мутахассислари киради.

Қарийб бир асрлик тарихга эга Webster университети Лондон, Вена, Амстердам, Лейден, Шанхай, Шеньжен, Ченгду шаҳарларида ўз кампусларига эга.

**Ўзбекистонда хорижий давлатларнинг ҳеч қандай базаси ёки шунга ўхшаш объектлари очилмайди. Бу ҳақда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси Ўзбекистон Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси юзасидан қилган маърузаси чоғи маълум қилди, деб ёзади kun.uz сайти.**

## Ўзбекистон ташқи ишлар вазири миш-мишларга чек қўйди

Ташқи ишлар вазири, шунингдек, "бирор бир ўзбек аскари Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида хизмат қилмайди", деб таъкидлаган. У, айниқса, сўнгги пайтларда турли оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлаётган турли миш-мишларга ҳам нўқта қўйди.

Бундай аввалроқ, АҚШ давлат котиби ёрдамчиси Роберт Блейк журналистларнинг АҚШ Ўзбекистон ҳудудидан ҳарбий база очиши мумкинлиги ҳақидаги хабарларини рад этган эди.

Россиянинг "Коммерсантъ" газетасининг шу йил 23 август сонидан эса Ўзбекистон ҳудудидан тезкор ҳаракат қилиш маркази очилиши ҳақида ахборот пайдо

бўлган. Газета ўзининг "аноним" манбасига таяниб хабар беришича, ушбу марказ 2014 йилдан сўнг Афғонистондан Америка ҳарбийларининг асосий қисми олиб чиқиб кетилгач, юз бериши мумкин бўлган вазиятларда ҳаракатларни мувофиқлаштиришга хизмат қилиши керак бўлган. Бу ахборот расмий Вашингтон томонидан инкор қилинди. "Қўшма Штатлар Ўзбекистон билан ҳам, Марказий Осиёнинг бошқа бирон-бир мамлакати билан ҳам тезкор ҳаракат қилиш маркази очиш юзасидан музокара олиб борманган, бу бўйича таклифлар ҳам бермаган", дея АҚШ давлат департаменти вакили баёнот берди. Ўзбекис-



тон ташқи ишлар вазирининг мазкур баёноти эса ушбу масалага ҳам нўқта қўяди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қабул қилган ва Сенати маъқуллаган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясига кўра, Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлардаги қуролли зиддиятларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўради, шунингдек ўз ҳудудидан хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди.

## Ўзбекистонда Chevrolet Cobalt тақдимоти бўлиб ўтди

**Тошкентда "GM Uzbekistan" Америка - Ўзбекистон қўшма корхонасининг яна бир янги енгил автомобили - Chevrolet Cobalt седанининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**



Компания вакилларининг сўзларига қараганда, янги Cobalt шу турдаги автомобиллар орасида етакчига автомобиллардан бўлиб, бунинг учун барча чоралар кўрилган. Бетакор дизайн ва замонавий хавфсизлик тизими билан Cobalt автомобил ишқибозлари учун жуда қулай.

Ушбу моделдаги автомобиллардан йилига 120 мингдан зиёд ишлаб чиқарилади ва уларнинг камида 50 фоизи МДХ давлатларига экспорт қилинади.

Янги седанни ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ Асака заводида амалга оширилди. Эҳтиёт қисмларни етказиб бериш билан эса ҳозирда мавжуд 15 та ва янги иш бошлаган яна 3 та корхона шугулланади. Шунингдек, автомобилга АҚШ билан яна бир қўшма корхона - "General Motors Powertrain Uzbekistan" заводида ишлаб чиқарилаётган янги тежамкор 1,5-литрли, 105 от кучига эга бўлган ва 100 км.га ўртача 6,2 литр ёқилғи

сарфлайдиган ДОНС двигателлари ўрнатилди.

Chevrolet Cobalt харидорларга икки турда - 5 босқичли механик узатма ва 6 босқичли автомат узатмада тақдим этилади. Бундан ташқари хавфсизликни таъминлаш учун седан корпуси юқори сифатли металлдан ишланган бўлиб, ABS (тормоз тизими антиблокировкаси) ва ҳимоя ёстиқлари билан жиҳозланган.

## Ўзбекистонликлар мустақиллик байрамини твиттерда жаҳон трендига чиқаришди

**Дунёдаги машҳур социал тармоқлардан бири - Твиттернинг ўзбекистонлик фойдаланувчилари Мустақиллик байрамининг 21 йиллиги муносабати билан акция ўтказишни ният қилишди. Твиттернинг ўзбекистонлик фойдаланувчилари #UZB21 сўзини хэштег қилиб, дунё бўйлаб трендга чиқариш мақсадида, улар 31 август куни Тошкент вақти билан соат 14-00дан социал тармоқда ёзилган твитга #UZB21 сўзини хэштег қилиб, қўшиб ёзишди. Аммо кейинчалик бу умумий тайёргарлик эканлиги ўзбекистонлик твиттерчилар томонидан қайд этилиб, асосий тадбир вақти 1 сентябрь соат 14-00га белгиланди.**

Ватандошларимизнинг саъй-ҳаракатлари бежиз кетмади. Ўзбекистонлик твиттерчилар шиддат билан #UZB21 сўзини хэштег қилиб ишлатиши натижасида 14-20ларга бориб, у твиттернинг жаҳон трендида учинчи ўринга кўтарилди. Бундан, айниқса, акция ташкилотчилари

жуда хурсанд бўлишди ва қувончларини яшириб ўтиришмади.

**Расулбек Раҳимов, твиттер фойдаланувчиси:** "Менимча, шу кунгача ўзбекистонлик интернет фойдаланувчилар орасида бу даражада кенг қўламли бирдамлик кузатилмаган эди. Фахраланаман! #Uzb21 RT"

**Темур Камалов, твиттер фойдаланувчиси:** Офарин, барчага офарин! Биз буни уддаладик!!! #Uzb21 БРАВО Твиттер, мен сизларни яхши кўраман!

**Азамат Муродов, твиттер фойдаланувчиси:** Ҳали ҳеч қачон интернетнинг ўзида биз каби бир-

лашиш бўлмаганди. Ҳаммаси учун раҳмат, ЎзТвипл! Мен сизлар билан фахрланаман! #uzb21. Бугунги трендчилар сиз юлдузларсиз! Раҳмат ЎзТвипл!!! #uzb21

Хэштег - твиттерда маълум бир мавзудаги твитларнинг йиғиб, энг кўп муҳокама қилинаётган ёки ёзилаётган мавзу рўйхатини кўрсатиб туради. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўзбекистонлик твиттерчилар ўтган йили ҳам худди шундай акцияга қўл уришиб, гарчи жаҳон трендига чиқа олишмаган

бўлса-да, русийзабон твиттерда трендга чиққанлиги айтилади.

Твиттерчиларнинг мазкур акциясига gazeta.uz, afisha.uz, vatandosh.uz ва kun.uz ахборот сайтлари қўшилиб, кенг жамоатчиликни мазкур тадбирга чорлаган эди.

Твиттер - қисқа хабар алмашинувиға асосланган социал тармоқ бўлиб, бугунги кунда унинг 500 миллион нафардан ортиқ фаол аъзолари бор. Ушбу тармоқда фақат 140 та белгидан ошмаган хабарларни жўнатиш мумкин.

## Нью-Йорк Америкада катта ҳажмдаги идишларда газланган сув сотишни тақиқлаган биринчи штат бўлди

**Нью-Йорк Америкада катта ҳажмдаги идишларда газланган сув сотишни тақиқлаган биринчи штат бўлди.**

"Reuters" ахборот агентлиги тарқатган ахборот келтирилишича, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ўзининг асосий йўналишларидан деб биладиган

шаҳар мэри Майкл Блумбергнинг ташаббуси билан катта ҳажмли идишларда ширин газланган ёки таркибида шакар бўлган бошқа ичимликлар сотувига

тақиқ қўйилди. Ушбу тақиқни қўллаб-қувватлаб Нью-Йорк соғлиқни сақлаш қўмитасининг етти нафар аъзоси овоз берган, бир нафари эса бетараф қолган.

Мазкур ҳужжатга кўра, таркибида шакар бўлган ичимлик идишининг ҳажми 16 суюқлик унция-

сидан (0,473 литр) ошмаслиги керак. Бундан катта ҳажмдаги ичимликларни магазин ва киосколарда сотиш мумкин, холос. Бу талабни бузганларга 200 доллар миқдорда жарима солинади. Мазкур қоидалар келаси йилнинг март ойидан кучга киради.



## Шакира Тошкентга келадими?

Тошкент шаҳрида янги қурилган "Бунёдкор" футбол стадионининг тантанали очилиш маросимига дунё юлдузлари ташриф буюриши мумкин, дея хабар беради "Новый век" газетаси. Газетанинг ёзишича, мазкур стадионнинг очилиш маросими ҳам ўзига хос тарзда ташкил этилади. "Даракчи" газетасининг ёзишича, икки қисмдан иборат бўладиган ушбу маросимда ўзбек миллий маданияти ва футболга оид саҳна кўринишлари намойиш этилади.

Биринчи қисмда асосан, республиканинг барча ҳудудларидан ташриф буюрадиган раққосалар иштирок этишади, иккинчи қисмда эса майдонга футболчилар ва фахрийлар чиқиб келишади. Махсус эффектлар ёрдамида стадион узра турли тасвирлар намойиш этилади. Газетанинг ёзишича, майдон осмонидан худди футбол тўплари тушиб келгандек бўлади ва ёш футболчилар улар билан машқларни олиб боришади. Буларнинг бари рангли лазер нурида амалга оширилади.

Маросим ранг-баранг мушқабозлик билан яқун топади. Газетанинг қайд этишича, очилиш маросимида нафақат миллий эстарда вакиллари балки жаҳон юлдузлари ҳам иштирок этиши мумкин. Маълумотларга кўра, бу футбол оламида ҳам анча танилиб қолган лотин америкалик таниқли кўшиқчи Шакира бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Унинг "Барселона" жамоаси аъзоси Пике билан яқин муносабатини ҳисобга олсак, Шакиранинг Тошкентга ташриф буюриши ҳақиқатга яқин, деб ёзади нашр. Очилиш маросими учун яна бир вариант - бу Бейонсе. Ушбу таниқли кўшиқчи шу каби тадбирларнинг энг фаол иштирокчиларидан бири бўлади.

**Шу йилнинг 4-7 октябрь кунлари Техас штатининг Стаффорд шаҳрида Буюк Ипак йўлига бағишланган биринчи фестивал бўлиб ўтади.**

## Техасда Буюк Ипак йўли фестивали бўлиб ўтади

Бу ҳақда Газета.ўз сайти хабар тарқатди. "The Turquoise Council of Americans and Eurasians" компанияси мазкур фестивал ташкилотчиси бўлиб, ушбу компания тарқатган хабарда келтирилишича, фестивалда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Ўзбекистондан вакиллар иштирок этади ҳамда ўз мамлакатлари маданияти ва анъаналарини кенг оммага таништирадиган.



АҚШда илк маротаба ўтказилаётган мазкур тадбирда ташриф буюрувчилар иштирокчи-мамлакатлар меъморчилигига табиий катталиқдаги макетларини томоша қилишлари мумкин.

Ўзбекистон томонидан намойиш этиладиган экспонатлар орасида Самарқанддаги машҳур Регистон майдони, Бухородаги Мир-Араб мадрасасининг нусхалари ҳам мавжуд.

Шунингдек, фестивалда ҳар бир иштирокчи-мамлакат миллий рақс ва кўшиқларини ҳамда миллий таомлари, хунармадчилик намуналарини омма эътиборига тақдим этадилар.

## Фильм АҚШ элчисининг ўлимига сабаб бўлди



**АҚШнинг Бенгазидаги консулхонасига уюштирилган ҳужумларда тўрт нафар АҚШ дипломати, шу жумладан, Американинг ушбу мамлакатдаги элчиси Кристофер Стивенс ҳалок бўлган. Бу ҳақда "Ал-Арабия" телеканали хабар тарқатган.**

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, шу йилнинг 11 сентябрь кунининг интернетда "Мусулмонларнинг гуноҳсизлиги" деб номланган фильмининг тарқалиши бутун дунёда мусулмонларнинг кескин норозилигига сабаб бўлди. Ҳаваскор-кинорежиссёр томонидан суратга олинган ушбу

фильмда мусулмонлар ва ислом динига нисбатан салбий қарашлар ўз аксини топган.

АҚШга қарши бундай норозилик чиқишлари, шунингдек, Миср пойтахтида Қоҳирада ҳам бўлиб ўтди. Чунинчи, улар АҚШ байроғини йиртиб, ўрнига "Ал-Қоида" томонидан ишлатиларидиган

байроқни осиб қўйишган.

"Associated Press"нинг ёзишича, асли келиб чиқиши яҳудий бўлган мазкур фильм муаллифи Сэм Бэйсел Ливияда америкаликлар ҳалок бўлгани учун ўз ҳамдардигини билдирган бўлса-да, бунга ўзини зиғирча ҳам айбдор ҳисобламаслигини, балки консулхонанинг заиф ҳимояланишини сабаб қилиб кўрсатган.

Унинг айтишича, ушбу фильмни суратга олиш учун юздан ортиқ яҳудий жамоаси вакиллари хайрия тариқасида маблағ ажратган. У бу билан Яқин Шарқдаги исломнинг "асил қиёфаси"ни очмоқчи бўлган.

Дипломатларнинг ҳалок бўлганини кўплаб мамлакатлар таассуф билан тилга олмоқда. Хусусан, Ливия раҳбарияти АҚШдан расман ушбу ҳодиса учун кечирим сўраган.

## Ўзбекистонда Chevrolet Epica ишлаб чиқарилиши тўхтатилди

GM Uzbekistan Ўзбекистон - АҚШ қўшма корхонаси бизнес-класс Chevrolet Epica седанларини ишлаб чиқаришни тўхтатди. Бу ҳақда "РИА Новости" ахборот агентлиги компания вакилига таяниб ахборот беради. "Ўзавтосаноат" вакилининг сўзларига қараганда, Ўзбекистонда "Chevrolet Malibu" седанлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиши муносабати билан мазкур маркадаги автомобилларни ишлаб чиқиш тўхтатилди.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, Chevrolet Epica Ўзбекистонда 2007 йил октябрдан бери ишлаб чиқарилади. У Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида йиғилар эди. Ушбу турда 9,5 минг атрофида энгил автомобиль ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг қарийб барчаси ички бозорда сотилган.



## Содда Жон Коффи оламдан ўтди



**Бутун дунёга машҳур "Яшил ҳудуд" фильмида ўлим жазосига ҳукм қилинган Жон Коффи ролини мақомига етказиб ижро қилган америкалик актёр Майкл Кларк Дункан 54 ёшида қазо қилди.**

У шу йилнинг июль ойида юрак хуружини бошидан кечирган эди. У Лос-Анжелесдаги касалхонада ўзига кела олмасдан вафот этди.

Қарийб икки метр бўйга эга Дункан жуда кўплаб кинофильм-

ларда турли ролларни ижро этган.

Хусусан, 1999 йили Стивен Кинг романи мотивлари асосида суратга олинган "Яшил ҳудуд" (Green Mile)да ўйнаган роли учун иккинчи пландаги энг яхши актёр йўнали-

ши бўйича "Оскар"га номзоди тақдим этилган.

Гарчи у турли кинофильмларда асосий ролларни ўйнаган бўлса-да, уни "Яшил ҳудуд"даги боладек беғубор, очиқ кўнгил ва содда Жон Коффи роли учун кўпчилик уни яхши танишади. Ушбу роли учун иккинчи пландаги энг яхши актёр бўлиб, проффесионал актёр сифатида фаолият юритишига замин яратди ҳамда тансоқчиликни ташлашига тўртки берди.

**Россия Федерациясининг Подмоскovie вилоятида Ўзбекистон фуқароси йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан отиб ўлдирилган. "Московский комсомолец" газетасининг ёзишича, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари эрталаб "Лада" машинасини бошқариб келаётган номаълум шахсни таъқиб қила бошлашади.**



## «ГАИ» ходими Ўзбекистон фуқаросини отиб қўйди

Машина ҳайдовчиси светофорнинг қизил чироғини кесиб ўтгач, йўл-патруль хизмати ходимлари овозкучайтиргичда машинани тўхташи талаб қилган. Аммо машина эгаси йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимларига қулоқ солмасдан, тезликни оширади.

Натижада, йўл ҳаракати

хавфсизлиги нозирлари машина ҳайдовчисини катта тезликда қува бошлашади. Газетанинг ёзишича, орадан бир муддат ўтгач, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари номаълум ҳайдовчини етиб олишга кўзи етмагач, машинанинг шинасига қарата ўқ отишга жазм қилишган. Уларнинг фикрича, гўё-

ки жиддий автоҳалокат юз бериши мумкин бўлган. Аммо отилган ўқ машина шинасига эмас, балки ҳайдовчи келиб теккан. Кейинчалик аниқланишича, қурбон бўлган шахс Ўзбекистон фуқароси Ашот Малинцев бўлиб чиққан.

Айни чоғда Россия Федерацияси тергов қўмитаси

ходимлари йўл ҳаракати хавфсизлиги хатти-ҳаракатлари юзасидан суриштирув ишларини олиб бормоқда. Улар йўл-патруль хизмати ходимининг ҳайдовчини отишга нечоғи ҳаққи борлигини аниқлашади ва унга нисбатан чора кўриш ёки кўрмаслик масаласи ҳал этилади.

**АҚШ меҳнат вазири Хильда Солис Америкада кенг миқёсда нишонланган меҳнаткашлар ҳуқуқлари ҳафталиги доирасида қилган баёнотида АҚШ иш жойларида хавфсизликни таъминлаш ва қонунда белгиланган тартибда иш ҳақини тўлашни кафолатлаш йўлида барча саъй-ҳаракатларни кўрамиз, деб таъкидлаган.**

## Америкада иш ҳақи соатига 7,25 доллардан кам бўлмаслиги керак

"Бу ҳеч ким соатига 7,25 доллардан кам маош олмайди, дегани. Бу иш берувчилар ишчилар хавфсизлигини таъминлашлари керак, дегани", деб қайд этди у. Вазирга кўра, шундай бўлса-да, иш берувчилар ўртасида ноқонуний иммигрантларнинг нозик жойидан, яъни АҚШда ноқонуний жойлашганидан фойдаланиб, иш ҳақини пасайтириш ҳамда иш шароитларини яратмасликка ҳаракат қилишади. Шу боисдан сўнгги йилларда иммигрантларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Сўнгги маълумотларга қараганда, АҚШда 11-13 миллион атрофида ноқонуний иммигрант бўлиб, ушбу муаммо АҚШ газнасига йилига 130 миллиард доллар зарар келтирмоқда.

## Ҳиротда Алишер Навоийнинг эски мақбараси тикланади

**Ҳирот шаҳрининг Гавҳаршодбегим боғида Афғонистон ҳукумати бошчилигида Алишер Навоийнинг эски мақбарасини қайта қуриш ишлари бошланди, деб хабар беради 12.uz**



Афғонистон расмийларининг сўзларига кўра, аввалги мақбаранинг видеода сақланган кўринишига қараб, янги мақбара айнан эски шаклда қурилмоқда. Қарийб тўққиз йил давомида очиқ қабр кўришида қолган Алишер Наво-

ий қабри устига қурилаётган мақбарага 60 минг АҚШ доллари миқдоридан пул сарфланиши режалаштирилган. Бу маблағнинг барчаси Афғонистон ҳукумати томонидан ажратилди. Шунингдек, Афғонистондаги ўзбек тадбиркори Ҳожи Абдулла Навоий мақбарасини қайта тиклаш учун қўшимча 10 минг АҚШ долларини хайрия тариқасида тақдим этган.

BBCUzbek хизматининг ёзишича, бу лойиҳа Ҳиротдаги қадимий бинолар, хусусан Ихтириёддин қалъаси ва Темуррийлар даврида қурилган Хўжа Абдуллоҳ Ансорий мақбарасини қайта тиклаган Афғон ширкатига топширилган бўлиб, лойиҳа 6 ойда бажарилиши керак.

**Россия Федерациясидан Ўзбекистонга жўнатилган пул айланмаси жорий йилнинг апрель-июнь ойларида 15,94 фоизга кўпайиб, 1,237 миллиард долларни ташкил қилди. Бу ҳақда Россия Марказий банки ахборотида маълум қилинади.**

## Ўзбекистонликлар Россиядан иккинчи чоракда 1,237 миллиард доллар жўнатган



Умуман, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида жисмоний шахслар томонидан Россиядан пул жўнатиш бўйича етакчилик қилиб келмоқда. Иккинчи ўринда Тожикистон фуқаролари

бўлиб, улар 916 миллион доллар юборишган. Украиналиклар эса 711 миллион доллар жўнатган ҳолда учинчи ўринни қайд этишган.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонга жўна-

тилган ҳар амалиётнинг ўртача ҳажми 4,24 фоизга пасайиб, 542 долларни ташкил этди. Россияга Ўзбекистондан жўнатилган маблағ ҳажми ҳар амалиёт учун 15,93 фоизга

ўсиб, 1834 долларга етди.

2012 йилнинг биринчи чорагида икки давлат ўртасида пул жўнатмалари ҳажми 908 миллион долларни ташкил қилган эди.

## Ва ниҳоят iPhone 5 намойиш этилди. Тезкор, лекин сенсациясиз

**Дунёдаги капиталлашуви бўйича энг қimmat компания - Apple бугун ўз смартфонни - iPhone 5нинг бешинчи авлодини тақдим этди.**

Компания вице-президенти Фил Шиллернинг сўзларига қараганда, матоҳ тўлалигача ойна ва алюминийдан тайёрланган. iPhone 5 бундан аввалгиларига қараганда бирмунча юпқа ва енгилдир. Унинг қалинлиги 7,6 миллиметр, оғирлиги 112 граммни ташкил этади.



iPhone 5да 4 дюймли Ретина экрандан фойдаланилган бўлиб, бир қатор иловаларни ўзида мужассам этган. У iPhone 4 дан фарқли равишда LTE тармоғини қўллаб-қувватлайди, аммо бундай операторларнинг махсус рўйхати кўрсатиб ўтилган. Мазкур уяли телефон қурилмаси А6 процессорида ишлаб, унинг тезлиги икки баравар ошган. Аппарат кутиш режимида 225 соат, видео қурилмалар ишлаган ҳолатда 10 соат, 3Gга уланган ҳолатда гаплашиш шароитида 8 соат ишлаш қувватига эга. Унинг асосий камераси 8 мегапикселни ташкил этади.

АҚШда мазкур авлодаги iPhone матоҳлари оператор шартномалари асосида 16 гигабайт хотира билан 199 доллар, 32 гигабайтлиси 299 доллар ҳамда 64 гигабайтлиси 399 доллар деб белгиланган. Ушбу маҳсулот дунёнинг 100дан ортиқ мамлакатида 240 дан зиёд операторлар шартномалари билан сотувга 14 сентябрдан чиқарилади.

Бу соҳа мутахассислари янги матоҳ ҳақида ўз фикрларини билдирар экан, гарчи аппарат ишлаш тезлиги анча юқори ва ҳажми бироз катта бўлса-да, "вов" дейдиган даражада сенсация қилмаганлигини таъкидлашмоқда.

## Сиэтлда ватандошлар сайли. Тошкент ва Сиэтл опа-сингил тутинганига 40 йил тўлмоқда

**Сиэтлда Сиэтл-Тошкент биродарлашган шаҳарлар ассоциацияси (Seattle-Tashkent Sister City Association) томонидан анъанавий ёзги сайил бўлиб ўтди. Вашингтон кўли қирғоғидаги гўзал Магнусон боғида бўлиб ўтган тадбирда ташкилот аъзолари, Сиэтл ва қўшни шаҳарларда истиқомат қилувчи ватандошлар, қардош халқ вакиллари - жами 160 нафарга яқин меҳмон иштирок этишди.**

Катта дошқозонда ўзимизнинг миллий палов дамланиб, меҳмонларга тортилди. Болалар учун турли қизиқарли ўйинлар уюштирилди, катталар эса миллий ўйинларимиздан

кент билан алоқаларнинг 40 йиллигини келаси йил нишонлаш учун ҳозирлик кўрмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, келаси йил Тошкент ва Сиэтл шаҳарла-

йил маълумотларига кўра, 600 минг нафардан ортиқ аҳолиси бор. Икки асрдан зиёд тарихга эга. Ўз навбатида, 2200 йиллик тарихга эга Тошкент Сиэтлга опа бўлиши турган гап.

Тарихчилар Тошкент ва Сиэтл ўртасидаги алоқалар тарихини 1971 йил билан боғлашади. Ўшанда Аляска авиакомпанияси раҳбарияти тақлифига биноан, Тошкент шаҳар ижроқўми раиси (ҳокими) Воҳид Қозимов ўзининг Иркутск ва Сочи шаҳарларидаги ҳамкасблари билан Сиэтлга ташриф буюради. Сиэтлнинг ўша вақтдаги мэри ва Қозимов жуда қалин бўлиб кетишди ҳамда икки шаҳар ўртасидаги биродорлик алоқаларини ўрнатиш ташаббуси туғилади.

Бу гоёни амалга оширишда АҚШ президенти Ричард Никсоннинг 1972 йили Москвага қилган ташрифи муҳим роль ўйнади. Гарчи Никсоннинг мазкур расмий ташрифдан мақсади Шимолий Вьетнамга босим ўтказиш бўлса-да, ушбу учрашув доирасида ядровий қуролни қисқартиришга ҳам келишилади.



Сиэтл жамоатчилиги бу воқеадан руҳланиб, СССР билан маданий алоқаларни ҳам ўрнатиш зарурлигини қайд этишди. Сиэтл мэри Вес Ульман Никсонга Тошкент билан "опа-сингил" тути-

етилади, кейинчалик машҳур ҳайкалтарош Шарипо Яковнинг "Бахт қуши Семурғ" композицияси ушбу паркиннг кўркига айланади. Тошкент - Сиэтл муносабатлари СССР ва АҚШнинг ўзаро алоқалари ёмонлашган даврларда, хусусан, Афғонистон инқирози йилларида фаолият олиб борди.

Айни пайтда Тошкентда ҳам "Тинчлик боғи" ва "Сиэтл" кафеси очилади. Эътиборли жиҳати, "Тинчлик боғи"ни барпо этишда юзлаб сиэтллик кўнгилчилар қатнашади. Ҳамкорликда турли маданий тадбирлар, байрамлар, анжуманлар ўтказиш йўлга қўйилди. Уларда, айниқса, дунёда тинчликни ўрнатиш гоёси устувор эди. Хусусан, 1983 йилда сиэтлликлар ядро урушининг



бўлган "Шугина" ва арқон тортиш каби мусобақаларда қатнашди. Оҳанрабо ўзбек миллий куй-қўшиқлари тадбирга янада шуқуқ бағишлади.

Тадбирда олий консул Гери Фурлон ҳамюртларимизни Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллиги муносабати билан қутлади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳозирда ассоциация Тош-

ри ўртасида опа-сингиллик ришталари ўрнатилганига 40 йил тўлади.

1973 йилда, яъни совуқ уруш руҳи кезиб юрган, Ўзбекистон ташқи сиёсат олиб боришда қарийб мустақил бўлмаган йилларда бундай муҳим воқеага қўлирилиши, табиийки, тарихий ҳодисадир.

Маълумки, Сиэтл АҚШнинг Вашингтон округида жойлашган бўлиб, 2010



ниш ҳақидаги таклифини киритади. 1973 йилда Сиэтл собиқ иттифоқ ҳудудидаги шаҳарлар билан қардошлик алоқаларини ўрнатган биринчи шаҳар бўлади.

1974 йилда Сиэтлда "Тошкент" парки барпо

олдини олиш истаги битилган хатга 42 мингта имзо йиғишиб, Тошкентга етказишади. Айни чоғда Тошкентда ҳам худди шу ният билан 120 минг имзо йиғилади.

**Дилбархон АХМЕДОВА.**


### ДТМ қоидаларини бузган 3500 нафар абитуриент имтиҳонлардан чиқариб юборилган

Ўзбекистонда шу йилнинг 1 август кuni амалдаги тартиб-қоидаларни бузган 3500 нафар абитуриент давлат тест имтиҳонларидан чиқариб юборилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Б. Исмоилов сўзларига таяниб, 12news.uz сайти ёзади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2012/2013 ўқув йилида бакалавр таълим йўналишига 56 607 нафар ўғил-қиз қабул қилинган бўлса, уларнинг 19 340 нафари давлат грантида ва 37 267 нафари шартнома бўйича тахсил олмақда.

Ўзбекистон Давлат тест маркази маълумотларига кўра, бу йил мамлакатдаги барча олий таълим муассасаларига кириш мақсадида ҳужжат топширган ёшларнинг сони 432 мингдан ортиқ бўлган. Бу Ўзбекистон абитуриентлари орасида олдинги йилларга солиштирганда рекорд кўрсаткичдир.

Шу ўринда жорий йилда тест ўтказиш билан боғлиқ бир қатор қоидалар такомиллаштирилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Масалан, тест пайтида нафақат шпаргалка ва мобиль алоқа воситасидан фойдаланиш, балки уларни аудиторияга олиб кириш ҳам абитуриентни имтиҳондан четлатишга асос бўлди. Тест жараёни давомида тест материалларини бошқа абитуриентга узатса, абитуриентларга ёрдам берса, у тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва далолатнома тузилиб, тест синовида четлаштириши мумкин эди.



### Ўзбекистонда nanoSIM-карталар қарийб iPhone 5 билан бирга вақтда муомалага чиқарилади

**"Билайн" алоқа оператори кuni кеча Сан-Францискода тақдироти бўлиб ўтган ҳамда 3G ва LTE тармоғини қўллаб-қувватлайдиган бешинчи авлод iPhone аппаратлари учун nanoSIM-картанинг дастлабки тўпламини харид қилди, деб хабар беради Газета.ўз сайти.**

"Unitel" МЧЖ тижорат директори Д. Григорьевнинг сайтга берган интервьюсида қайд этилишича, янги nanoSIM-карталар компания офисларида шу йилнинг октябрь ойидан муомалага чиқарилади, nanoSIM-картанинг формати Европа теле-

коммуникациялар институти томонидан тасдиқланган. SIM-карта ҳажмининг кичкайтирилгани, аввало, смартфонлар ички кенглигини таъминлаб, бошқа қурилмалар учун зарур бўлган жойни очишга ёрдам беради.

### Ўзбекистондаги барча олий ўқув юртлари Wi-Fi интернет билан қамраб олинади

Ўзбекистонлик талабалар учун янги имкониятлар пайдо бўлди. Мамлакат олий ўқув юртларида "Келажак овози" бепул Wi-Fi худудлари очилди.

"Ўзбекистон санъати ва маданияти форуми" жамғармаси, "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида мазкур лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг 69 та олий ўқув юртидаги "Келажак овози" Wi-Fi зоналарида роутерлар (иккита алоқа тармоғи коммутацияси учун махсус қурилмалар) ўрнатилди. Симсиз интернетдан олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар бепул фойдаланиши мумкин.



Ўзбек киноси Голливудни забт этмоқда.

# «Қанотсиз фаришта»

Америкада суратга олинган биринчи ўзбек киноси

Мустақиллик шарофати. Ватанимиз мустақиллиги шарофати билан, бугунги кунда ўзбек киноси ҳам жаҳон арена-насиға чиқа бошлаб, халқаро кинофестивалларда муносиб иштирок эта бошладилар. Жаҳонга машҳур Голливудда ҳам ўзбек сценаристлари, режиссёрлари ва актёрлари пайдо бўла бошладилар. Яқинда Голливудда пайдо бўлган биринчи ўзбек қалдирғочлари ҳақида ўзбек журналисти Мавлон Шукрзоданинг АҚШда тайёрлаган бир қатор туркум мақолаларида бу ҳақда кенг ёритилган. Маълумки, Голливудга ўзбеклардан биринчи бўлиб таниқли ёзувчи, адабиётшунос олим, киносценарист Шавкат Азимов кириб келган. Америкаликларга у АҚШ Конгресси кутубхонасида Алишер Навоийга бағишланган катта тадбирда иштирок этиб, ўзининг қизиқарли чиқишлари билан танилган. Унинг кейинчалик Америкалик продюсерлар ва Голливуд режиссёрлари олдида ўзбек халқининг бой тарихи ва гўзал маданияти ҳақида қилган сермазмун маърузалари кўпчилик америкалик кино мутахассислари назарига тушиб қолади. Шу тариқа Голливудда биринчи ўзбек мутахассиси пайдо бўлиб ўз ижодий ишларини бошлайди.

Голливудга ўзбеклардан биринчи бўлиб таниқли ёзувчи, адабиётшунос олим, киносценарист Шавкат Азимов кириб келган

"Қанотсиз Фаришта". Америкада суратга олинган би-



ринчи ўзбек киноси. Шавкат Азимов сценарийси асосида Америкада ўзбекистонлик ва америкалик таниқли кино усталари иштирокида "Қанотсиз фаришта" филми суратга олина бошланди. Яқин кунлар ичида мазкур кинокартина дунё кино иҳлосмандларига тақдим этилади. Бу фильмининг таниқли ўзбек кино режиссёри, иқтидорли клипмейкер Баҳодир Йўлдошев суратга олмоқда, фильм жараёнлари Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистонда кечмоқда. Ушбу

картинанинг тўлиқ тафсилотлари билан ўқувчиларимизни шу йилнинг декабр ойида фильм тўлиқ монтаж қилиниб бўлгач, албатта, кенгроқ таништирамиз.

**"Қоплон ови".** Америкада суратга олинаётган иккинчи фильм. Мазкур бадиий фильм ҳам Шавкат Азимовнинг сценарияси асосида суратга олинган. Мазкур фильмининг умумий тафсилотлари хусусида таниқли кино актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жалол Юсуповдан сўрашга қарор қилдик. Истеъдодли актёр Жалол Юсуповни биз севимли фильмларимиз "Чинор остидаги дуэль" фильмидаги Зокир, "Суюнчи" фильмида Турсунбой, "Гастарбайтер" фильмида Обид ролларини маромига етказиб ижро этгани орқали яхши таниймиз. Умуман олганда, ёшлигиданоқ эсда қоларли образларни яратган, эътиборли эса, шу кунларда ҳам у кино ва театр санъатида самарали фаолият юритиб келмоқда. 1969 йили Тошкент шаҳрида дунёга машҳур дарбозлар Тошкенбоевлар оиласида таваллуд топган Жалол Юсупов шу кунларда иш юзасидан Америкага ташриф буюрганлар. Биз хурматли актёримизни Голливудда учратиш уларнинг бўш вақтларини топиб кичик бир сўхбатга қорладик. Жалол Юсупов билан сўхбатлашганимизда, бу инсоннинг нақадар самимий, қувноқ, содда ва шунинг билан бирга зукко ва ақлли инсонлигини хис қиласиз:

**- Жалол Шарафутдинович, сўхбатимизни Америкага қилган ташрифингиз хусусида давом эттирсангиз. Бу сеҳрли диёрга келишдан мақсадингиз нима?**

- Аввало, шуни айтиш керакки, АҚШда қизим тахсил олади. Уни соғинганмиз... имконият бўлиб қолди, уни кўришга келдик. Бундан ташқари, эски кадрдоним, ёзувчи, таниқли кино сценарист Шавкат Азимов ҳам янги лойиҳасини амалга ошириш учун мени шу диёрга таклиф қилди.

**- Агар сир бўлмаса, мазкур лойиҳа хусусида бир оз тўхталсангиз?**

- Мен кўп йиллар мобайнида истеъдодли ва йирик кинорежиссёр ва продюсерлардан таълим олиб тажриба тўплдим. Энди ўз тажрибам ва салоҳиятимини амалда қўллаш вақти келди ва мен бу ишга киришдим. Асосийси, продюсерлик тажрибамни синаб кўриш учун АҚШга дўстим Шавкат Азимовнинг янги лойиҳаси "Қоплон ови" асарини суратга олиш режасини тузиш учун ҳам Голливудга ташриф буюрдим. Фильм ҳақида яна бир нарсани

алоҳида таъкидламоқчиман, бу лойиҳа кичик маблағли фильм бўлганлиги учун ҳар бир ижодкор икки ёки уч вазифани бажаришига тўғри келади. Мисол учун мен бу фильмда ҳам бош роллардан бирини, ҳам продюсер ва фильм директори вазифасини бажаришимга тўғри келади.

**- Ахир, Голливуд дунё киноси санъатининг энг юқори чўқисси...**

- Сизни тушундим. Албатта, биз олди-қочди филмлар ҳақида эмас, балки дунё миқёсида юқори ўрин эгаллаган йирик ва жиддий фильмлар ҳақида гап юритаёلمиз ва Шавкат Азимовга ўхшаган инсонлар Америка ва Ўзбекистон ўртасидаги боғловчи ижодий кўприк бўлади, деб ҳисоблайман ва бундай инсонлар борлиги жуда ҳам қувонардир. Мен голливудлик машҳур продюсерлар билан мулоқат қилганимда улар ватандошимиз, сценарист Шавкат Азимовнинг ижоди ҳақида юқори баҳо беришди ва бу инсон ҳақида илқ сўзлар айтиб, ушбу лойиҳада биз билан ҳамкорлик қилиш ниятларини билдиришди.

**- "Қоплон ови" фильмининг кимлар ва қайси кино компаниялар билан ҳамкорликда суратга олмоқчисиз?**

- Ҳозирда бемалол айтиш мумкинки, "Қоплон ови" фильми Америка ва Ўзбекистон кино ижодкорларининг ҳамкорликдаги илк катта фильми бўлиб, Ўзбекистон томонидан уни Санжар Азизов раҳбарлигидаги "Yarri" студияси, АҚШдан эса "Gollivud sinema rikchers" кинокомпанияси иштирок этишади. Умуман олганда, ушбу киносценарий менда ва ўзбекистонлик ҳамкорларда катта қизиқиш уйғотди. Аввало, бу лойиҳада ўзбек ва Америка кино санъати юлдузларини ҳамкорликда фильм яратишлари жуда қувонардир. Илгари бундай ҳамкорликни фақат орзу қилиш мумкин эди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ва Америка давлатлари ўртасида маданий алоқалар янги кўриниш олгани диққатга сазовордир.

Ўзбекистонлик Санжар Азизовнинг "Yarri" студияси ватанимиздаги энг юқори мавқели кино студиялардан биридир. Санжар Азизов "Қоплон ови" фильми ҳақида эшитганида, мазкур киноасарни ўз студиясида суратга олиш ниятини билдирди. Ватандошларимиз орасида шундай ишбилармон ва иқтидорли ёшларимиз борлиги бизни жуда қувонтиради албатта. Ўйлаймизки, биз ўзимизга юклатилган юқори масъулиятли ижодий ишимизни юксак савияда бажариб, ўзбек киноси нималарга қодир эканини кенг жамоатчилига кўрсати-

шимиз зарур.

**- "Қоплон ови" фильми бош қаҳрамонларини ижро этишга кимлар таклиф қилинган?**

- Шавкат Азимов бу фильмдаги бош ролга таниқли ўзбек актёри Аҳмад Бердимуродовни чорлаган ва айнан шу актёрнинг спортдаги ва актёрлик маҳоратларининг уйғунлиги фильмининг муваффақиятли чиқишига замин яратади, деб ўйлайман. Фильмда Аҳмад Бердимуродов икки бир-бирига зид бўлган ролларни ўйнайди ва ҳамма фильмдаги трюкларни ўзи ижро этади. "Юз марта гапиргандан бир марта кўрган яхши", дейди халқимиз, шунинг учун фильм воқеаларини олдиндан айтмаганим маъқул. Оллоҳ насиб қилса, ўз кўзингиз билан кўрганингиз яхши, лекин ишонтириб айтаманки, бу фильм жуда қизиқарли сюжетларга жуда бой.

**- Биз Аҳмад Бердимуродовни "Шайтанат" телесериалидаги Жамшид образи орқали яхши таниймиз. Бу кино актёримизни Америка кино санъати иҳлосмандларига яқинроқ таништириб ўтсангиз "Қоплон ови" фильми бош қаҳрамонларини ижро этишга яна кимлар таклиф қилинган?**


-Аҳмад Бердимуратов ёш, истеъдодли, ўзбек кино актёрларидан бири. У 1997 йили ўзбек режиссери Юсуф Розиковнинг "Тартиб" телесериалида бош роллардан бири Азамат Суннатов образини қўйилмақом ижро этган. Шундан кейин у ёзувчимиз Тоҳир Малик қаламига мансуб "Шайтанат" романи асосида суратга олинган киносериалдаги Жамшид образи орқали киноиҳлосмандлар меҳрини қозонди. Кейинчалик ўзбекистонлик ва россиялик кино ижодкорлари ҳамкорлигида яратилган "Макрли дунё" фильмида Элёр Эргашев, ўзбек кино ижодкорлари томонидан яратилган "Паноҳ", "Севгинатор", "Тузоқ", "Қалбим ўғриси" каби фильмларда турли, бир-бирига ўхшамайдиган ролларни ижро этди. Аҳмад истеъдодли ак-



тёр бўлиш билан бирга, яхши спортчи ҳамдир. У Таэквондо-нинг WTF йўналиши бўйича қора белбоғ соҳиби. Бишкекда ўтказилган халқаро турнирда, Жанубий Кореяда ўтказилган Жаҳон биринчилигида, АҚШда бир неча бор ўтказилган турли халқаро турнирларда голибликни қўлга киритган.

**- "Қоплон ови" фильмига америкалик киноактёрлар ҳам жалб қилинадими?**


- Ҳозирги кунда бу масалада Голливуднинг кўпгина актёрлари билан музокаралар олиб бораёلمиз. Уларнинг барчалари ушбу лойиҳада иштирок этиш ниятини билдиришяпти. Биринчи навбатда, мен мамнуният билан таниқли кино актёр Лоренцо Ламас (Lorenzo Lamas) ушбу фильмда бош роллардан бирини ижро этмоқчилиги ҳақида



хабар қилмоқчиман, бу биз учун жуда қувонарли ҳолдир. Ва албатта, бу фильмда таниқли актёрлар санъатидан баҳраманд бўласизлар деган умиддаман.

Шу кунларда ўзбекистонлик иқтидорли журналисти Дилшод Жалилов Шавкат Азимов билан ҳамкорликда фильм сценарияси устида ишлаб яқунлаш арафасида туришибди. Фильм сценарияси бош муҳаррири Дилшод Жалилов фильмдаги турли диалоглар мазмун-маъносини кучайтириш ва мазкур фильм маънавий савиясини кўтариш устида алоҳида иш олиб бормоқда. Ўйлаймизки, фильмдаги актёрларнинг мулоқотлари томошабинга жуда ҳам манзур бўлади.

**Ҳилола АЗИМ**  
**Мавлон ШУКУРЗОДА**  
**Махсус «Vatandosh»**  
**газетаси учун.**  
АҚШ, Голливуд. 2012 йил



Шу кунларда Америкада Президент сайловлари ўзининг энг қизгин палласига кирди. Ҳар иккала номзод ҳам сайловчилар фикрига салбий таъсир кўрсатадиган турли баёнотлар, хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийиб, фақат сайловчилар симпатиясига қараб, мавзуларни, муаммоларни муҳокама қилишмоқда.

АҚШнинг амалдаги президенти Барак Обама ҳокимият тепасига келгач, ўзининг тинчликпарвар сиёсати билан кўплаб америкаликларнинг назарига тушган эди. Унинг Афғонистон ва Ироқ бўйича якуний қарорни қабул қилиши ва бошқалар бунга яққол мисолдир.



## Америка – Исроил:

# кўзга кўринган ва кўринмаган нифоқлар

Аммо кейинги пайтларда АҚШнинг Яқин Шарқдаги энг яқин ҳамкори — Исроил томонидан ўзбошимча хатти-ҳаракатларни амалга оширишга бўлган интилиш Обама маъмуриятининг “жиғи”га тегмоқда. Айниқса, айна сайлов кампанияси қайнаган бир пайтда Исроил томонидан Эрон ядровий объектларига ҳаводан зарба бериш ҳақидаги ахборотларнинг бот-бот такрорланиб тургани Обамани ноқулай аҳволга солиб қўймоқда.

Le Temps газетаси муҳбири Серж Дюмоннинг ёзишича, Исроил раҳбари ўзининг “катта оғаси” Америка билан алоқалари ёмонлашиб бораётганидан ҳавотирларини яшириб ўтирған.

Масалан, АҚШ Исроил билан ҳарбий машғулотларда иштирок этадиган ҳарбийлар сонини 1,5 минг нафаргача қисқартирди. Ваҳоланки, ушбу машғулотларда 5 минг нафардан ортиқ америкалар ҳарбийлар иштирок этиши кутилаётган эди.

Гарчи Пентагон расмийлари давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг қисқартирилиши билан боғлиқ деб айтаётган бўлса-да, ЦАХАЛ бош штаби бунга кўп ҳам ишонаётгани йўқ. Уларнинг фикрича, бу сиёсий характерга эга қарордир. Америка армиясининг штаб бошлиқларининг бирлашган кўмитаси раиси Мартин Демпси эса Исроилнинг Эронга ҳаводан ҳужум

қилиш ҳақидаги баёнотларига муносабат билдириб, “мен бунда иштирок этмайман”, деб қайд этган.

Барак Обама Тель-Авив сиёсатчиларидан матбуотга чиқарилаётган Исроил Эронга кузда ҳужум қилади, деган мишмишларга асосланиб, Исроил билан ҳарбий машғулотларда Америка ҳарбийларининг иштирокини қисқартиришга ури-наётган бўлиши мумкин. Обама, албатта, Вашингтондаги Исроилпараст лоббистлар қаҳрига учрашини билади, аммо у асосий куч — америкалик сайловчилардан кўпроқ ҳавотирланмоқда. Шу боис ҳам Исроилнинг хатти-ҳаракатларига совуққон ва жиддий рад жа-

вобини беришга мажбур бўлмоқда.

Расмий Вашингтоннинг Исроил ҳукуматидан норозили яхдуй амалдорларига у даражада таъсир ўтказгани йўқ. Чунончи, Биньямин Нетаньяхуға “Ликуд” партиясидан сайланган 28 нафар депутатдан 27 нафари очиқ хат билан мурожаат қилиб, уни қўллаб-қувватлашларини билдирган.

Умуман, айтганда 2009 йилдан бери Барак Обама ва Биньямин Нетаньяху ўртасида ўзаро тушунишга эришилмагани яққол кўзга ташланади.

Сўнгги маълумотларга қараганда, АҚШ маъмурияти европалик ҳамкори орқали Исроилга ўз позициясини маълум қил-

ган. Унга кўра, агар Исроил Эронга қарши ҳужум қиладиган бўлса, АҚШ ҳеч қанақа ёрдам кўрсатмайди.

Ўз навбатида, Эрон билан бевосита боғлиқ бўлган “Ҳезболла” ташкилоти раҳбарияти агар Исроил Эронга ҳужум қиладиган бўлса, ташкилот АҚШнинг Яқин Шарқдаги ҳарбий базаларига ҳужум қилиши билан огоҳлантирган.


Шуни хулоса қилиш мумкин, Эронга қарши қўлланиладиган ҳар қандай хатти-ҳаракат Яқин Шарқ минтақасидаги вазиятни бутунлай издан чиқариб, террор ва тартибсизликларнинг яна кўп муддат сақланиб қолишига, пировардида, оддий одамлар жабр кўришига сабаб бўлади.

## Ватанпарварликнинг нархи

қанча



Шу йил Франция президенти этиб сайланган Франсуа Олланд ўзининг сайловолди ваъдаларини амалга оширишга киришди. Унинг сайловолди дастурини “популистик” дастур, деб ҳам аташ мумкин. Унда илгари сурилган чора-тадбирлар кўпроқ оддий одамларни хурсанд қилиш учун ўйлаб топилган гўё. Масалан, Президент ва вазирларнинг маошини 30 фоизга қисқартириш, президент қароргоҳи - Елисей саройида яшашдан бош тортиш - буларнинг барчаси “масҳарабоз” президентнинг ўзига хос имижи ҳамдир.



TF1 телеканалига интервью берган Франсуа Олланд йиллик даромади 1 миллион евродан ошадиган французлар учун даромад солиғи ставкаси 41 фоиздан 75 фоизга кўтарилишини маълум қилди. Президентнинг бундай популистик ташаббуси Франция жамиятида кесин музокараларга сабаб бўлмоқда. Айрим экспертлар бу тартиб мамлакатдан миллионерларнинг оммавий равишда чиқиб кетишига сабаб бўлишини таъкидлашмоқда. Улар орасида нафақат бизнесменлар, балки футболчилар, кўшиқчилар, актёрлар ҳам бор. Масалан, Moët Hennessy Louis Vuitton (LVMH) хўжайини, Франциянинг энг бой шахсларидан бири Бернар Арно Бельгия фуқаролигини олаётганлигини тасдиқлади. Унинг бу хатти-ҳаракати сабабли кўпчилик уни ватанпарварлик туйғуси етишмаётганликда айблади. Арно гарчи ўз бизнеси Францияда қолишини бот-бот таъкидлаётган бўлса-да, бу кенг жамоатчиларнинг жиддий танқидига учраши билан баро-

бариди, Франсуа Олланд рақиблари учун айна муддао бўлди.

Ҳозирча ушбу солиқнинг қандай ундирилиши бўйича аниқ кўрсатмалар йўқ. “Le Figaro”нинг ёзишича, ушбу солиқни йиллик даромади 2 миллион евродан ошадиган оилавий жуфтликлардан олиш; мазкур солиқ фақатгина маошдан ушланиши, бошқа даромадлар киритилмаслиги; спортчилар ва “юлдуз”ларга имтиёзлар бериш керак бўлади. Йўқса, унинг оқибатлари мамлакат иқтисодиёти учун оғир асоратларга олиб келади. Бу ерда, айниқса, ватанпарварликдан “ваъз” ўқиш умуман фойдасиздир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, даромад солиғининг максимал ставкаси Бельгия ва Буюк Британияда 50 фоизни, Германияда 45 фоизни, АҚШда эса 35 фоизни ташкил қилади.

Франсуа Олланднинг бундай қалтис чораларга қўл уриши бежиз эмас, албатта. Гап шундаки, иқтисодий инқироз французларни тежамкорроқ сиёсат

юритишга мажбур қилди. У ўз сайловолди кампанияси чоғида давлат бюджети тақчиллигини 2013 йилда 4,5 фоиздан 3 фоизга туширишни ваъда қилган эди.

Яқин кунларда тақдим этиладиган давлат бюджети лойиҳаси кўра, мамлакатнинг солиқ даромадлари 20 миллиард еврога ортиши, давлат харажатлари эса 10 миллиард еврога камайиши керак. Даромад солиғининг оширилиши давлат газнасига кўшимча 11 миллиард евро келтиради. Бу бюджет тақчиллигининг учдан бир қисмини ёпишга ёрдам беради.

Олланднинг фикрича, орадан икки йил ўтиб, мамлакат иқтисодиёти барқарор тикланиш жараёнига ўтгач, албатта, солиқ ставкаси пасайтирилади. Мана шу муддат ичида ҳар бир Франция фуқароси ватанпарварлик туйғусига содиқ қолиши, Ватан учун ёрдам бериши ўта зарурдир, дея таъкидлайди президент.

# Тоҳир Содиқов:

## «Машҳурликдан «ТОМИМИЗ» кетиб қолган»

Уларни ёрқин юлдуз, дея аташга асос бор эди. Радиодан бор-йўғи бир марта янграган "Нега ундай қилдинг сен?" ва "Мне кажется" кўшиқлари уларни бутун республикага машҳур қилди. Тоҳир Содиқов, Баҳодир Пўлатов, Жавоҳир Зокиров, Хусан Содиқов, Тоир Одилов, Тофик Мордухаев - улар чиндан ҳам ёрқин юлдузлар эди... "Болалар" эди улар!

### "Телевидениега биринчи марта... кийимимни олиш учун кирганман"

"Биринчи звено, огонь!" - ваҳожат билан қичқирди жингалак сочли болакай. Анҳорга калла ташлаган беш-олтита бола зум ўтмай бўш шишаларни кўтариб чиқишди. Ўрдадаги "Пивохона" аллақачон болалар учун даромад манбаига айланиб бўлганди. Тоҳир ва унинг дўстлари - саккизинчи синф болалари ўша "Пивохона"дан сувга отилган бўш шишаларни йиғиб, дўконга топширарди. Қарабсизки, тушлик ҳам тайёр! Ахир битта шишанинг пулига "Буратино" билан ватрушка (сузмали парамач) берарди-да! - Синфимиздаги болалар билан аҳил эдик. Биргалашиб, тўда-тўда бўлиб юрардик, бошқалар бизга яқинлашолмасди. Энг яхши кўрган маршру-

тимиз: маҳалладан пиёда истирохат боғини кесиб ўтиб, телевидениенинг ёнидан "Панорама" кинотеатригача борардик. У ерда музқаймоқ олиб, ўша пайтдаги машҳур "Танцор диско" фильмига тушардик. Ҳатто қоровуллари ҳам бизни танирди, шунчалик "ўзиникилардан" бўлиб кетганмиз. Бешинчи синфдалигимда бир воқеа юз берган. Авваллари телевидение атрофи панжара билан ўралмаган, ёнида бассейн бўларди. Иссиқ кунда кинодан чиқиб, ўша бассейнда роса чўмилардик. Бир куни телевидение милиционер футболикам билан шортигимни олиб кўйган. Ушанда телевидениега биринчи марта кирганман... кийимимни олиш учун.

### "Йиғиштир гитарангни! Зотимизда артист бўлмаган!"

Тоҳир Содиқовнинг биринчи саёҳати Сомон бозоридаги эски ховлидан бошланган. 1973 йил 1 июлдан бошланган болалик йўллари Эски шаҳарнинг кўп қаватли уйлари орасида давом этди. Болалигида "шаҳар шу экан-да", деб кўп ўйларди. Негаки унинг учун ҳаммаси бир ерда жамланган. Ана, уйининг ойнасида ҳам кўринарди: 41-ўрта мактаб, 1-сонли шаҳар шифохонаси, ҳарбий бўлирма, "Космос" кинотеатри, мактаб стадионидаги футбол майдончаси... - Бир куни тоғамнинг гитараси уйимизда қолиб кетган. Уни беркитиб кўйганман. Роса кидириб, топишолмаган. Шу

билан гитара бизники бўлган. У пайтларда тақиқланган видеокассеталар бўларди. Ҳаммада Брюс Ли ва каратэни кўришга иштиёқ бўлса, менда мусиқага қизиқиш баланд эди. Жонли концерт ёзилган видеокассета орқали ким гитарани қанақа ушлаётганини, бармоқлари асбобнинг қаеридан ўрин олаётганини кузатардим. Бир-икки аккордни акамдан ўрганганман. Акам гитара чалишга иштиёқман эди, аммо дадамга умуман ёқмасди. "Чалма буни, йиғиштир", дея синдириб, отворардилар. "Бизнинг зотимизда артист бўлмаган", дердилар. Эсимда, отамнинг оналари - раҳматли

Саломат ойим дутор чалганлар. Дарвоқе, улар актриса Зайнаб Садриева билан бирга ўсиб, актёрликка бирга ҳаракат қилишган. Аммо бувимнинг тоғалари "саҳна аёл киши учун ярамайди", дея театрда ишлашига рухсат бермаган. Бувим учун актёрлик армон бўлиб қолгани учунми, дуторда жуда чиройли куйларни чалардилар... Биз - болалар тинглаб ўтирардик. Аммо негадир ўзбекчада ашула бунақа бўлиши керак эмас, деб ўйлардим. "Bad boys blue", "Bony'M", "Abba", "Attawan"лар тингланадиган вақтга тўғри келганмиз. Ўзимни мусиқасиз тасаввур қилолмасдим. Мени нима бошқарарди, билмадим, лекин гитара чалишга иштиёқим баланд эди...

"Профессионал шоу-бизнес билан шуғулланадиган қариндошларим бор, келинлар, гуруҳ очамиз", - деган Жавоҳир Зокиров аввало Руслан Шариповни назарда тутган эди. Танишишга орзуманд болалар ўзида йўқ хурсанд. Негаки бу вазият улар учун қўлдаги қарталар дея тасаввур қилинган эди. Ҳа, чинданам буни омад деса бўларди. Зеро, ҳали "Болалар"га айланмаган болаларнинг "ижодини" эшитиши

### "Сен саҳнага чиқмайсан!"

биланок таниқли хонанда, бастакор, "Байт" гуруҳи раҳбари Руслан Шариповнинг этлари жимирлаб кетади. "Мне кажется, что нет..." кўшиғини эшитган Руслан зудлик билан болаларни чақиртиради. Биринчи учрашувдаёқ Руслан Тоҳирга қараб, "Жавоҳир билан Баҳодир саҳнада куйлайди, сен эса студияда овоз ёзасан, саҳнага чиқмайсан. Саҳна учун ёқимтой болалар керак", дейди. Шу пайт Наргиза Зокирова, "ақлинг жойидами?! Ҳали кўрасан, ҳамма қизлар мана шу йиғитнинг орқасидан югуриб юради", деган экан. Ҳаммаси шундан сўнг бошланди! 1989 йилда "Болалар"нинг биринчи альбому сотувга чиқади. 1990 йилда давлат имтиҳонларига тайёрланиш ўрнига "Болалар" гуруҳи "Халқлар дўстлиги" (ҳозирги "Истиклол") саройида концерт беради. Аммо "Халқлар дўстлиги"-даги бу концерт "Болалар" учун биринчи ва охириги эди. Негаки, мухлислар анчагина жазавали бўлиб чиқди. "Болалар"нинг концертга келган ёшлар гўёки ақлдан озгандай саройнинг ойна ва ўриндиқларини синдириб ташлайди. Аммо ёшинг эндигина ўн олтига етиб, пиллапоярлар сени ўзи томон чорлаётганда, ғам-ғуссага не ҳожат?! "Болалар" гуруҳи иштирокчилари ҳам бу ҳол учун ҳечам сиқилмади, чунки ўша пайтда "Болалар"боп "Юбилейный" спорт саройи бор эди. "Болалар" кунига учтадан концерт ўтказарди. Уларнинг ҳаёти асосан иккита сўздан иборат бўлиб қолди: концерт, гастроль... гастроль, концерт...



### Юлдузлик касали ва қўтилмаган ҳалокат

- Ишонасизми, уйимнинг подьездидан чиқолмасдим, 50-60 та қиз тўпланиб турарди. Мен бечорада машина йўқ, Баҳодирга қўнғироқ қилсам, у ҳам "уйингга бормайман", дейди. Узининг уйдан чиқиш ҳам муаммо эди-да! Бунақа машҳурликдан "томимиз кетиб қолган", яхшигина юлдузлик касалига учраганмиз. Пул бор. Ҳар куни ресторан, ҳар куни янги оғайнилар, ҳар куни зўр-зўр машиналарда сайр қилардик. Хуллас, юлдузли ҳаёт бошланди. Мактабдан кейин икки марта ўқишга ҳаракат қилиб, киролмаганимга ҳам ачинмаганман. "Майли, муҳими яхши юришиб турган ишим бор-ку", деганман. 1993 йилгача "ҳаммаси яхши" деб ўйлардим... ва ҳалокатга йўлиқдим: мени машина уриб кетди. Шу билан мен учун ҳаммаси узоқ муддатга тугади. Кўзимни очсам, оёғим гипсланган, юзим шишган. Ана ўшанда юлдузлик касали йўқолди. Негаки тушундим, "бир" дейишга улгурмай, сен учун ҳаммаси тугаши, тамом бўлиши мумкин экан. Умуртқа, оёқ олтига жойидан синган... Ушанда, ҳаттоки дўхтирлар, "бўлди, у юрмайди, ногирон", деб хулоса қилади. Бу ёғига 1995 йилгача фақат саломатликни тиклаш даври бўлдики, Тоҳир Содиқов ҳассага таянганча астойдил спорт билан шуғулланди. Ва ниҳоят, салкам икки йиллик танаффусдан сўнг Жавоҳир билан Баҳодир уни ҳасса таянган холида "Халқлар дўстлиги" саройининг саҳнасига олиб чиқади. - Томошабин шунақа ҳайқирган! Билдим, яна куйлашимни хоҳлашаяпти. Шифохонада ётишга етарлича вақтим бўлган. Худога шукр, қўлларим лат емаганди. Бошқа қиладиган иш бўлмагандан кейин ётган холида фақат кўшиқ ёзардим. Ана ўшанда "Ёшлигимда", "Асрагин мени" кўшиқларини ёзганман. 1995 йилдан кейин Руслан Шарипов "Болалар"дан узоқлашадию анча тажрибаси ошган Баҳодир Пўлатов гуруҳга продюсерлик қила бошлайди. Бир неча йиллар мобайнида "Юбилейный" спорт саройида кетма-кет ўтказилган аншлак концертларнинг сабабчиси - Баҳодир Пўлатов. Қизиги, "Болалар"дан аллақачон чиқиб кетиб, ҳуқуқшунослик соҳасида фаолият юритаётган Баҳодир Пўлатов ҳалигача "бизлар" деб гапирарди. Негаки, ёшлигидаги энг ёрқин хотиралар мана шу гуруҳ билан боғлиқ. Биринчилардан бўлиб концертда декорация қуриш, поезднинг чиқиб келиши, экран кўйиш, бутун шаҳарга афиша ёпиштириш гоёлари Баҳодирники эди. Ўша пайтда яна бир инсон "Болалар" гуруҳининг ривожига бекиёс ҳисса қўшади, у ҳам бўлса Вағиф Зокиров. Ўн етти йил ичида яралган кўпдан-кўп шлягерлар у билан биргаликда ёзилган. Ўзига яраша феъл-атворга эга Тоҳир Содиқовнинг нафақат шлягерлар, балки видеоклиплар борасидаги фикри ҳам ўзгача. - Видеоклипларим кўп эмас. Нимагадир ҳалигача иши маъқул келадиган клипмейкери топмадим. Менимча, агар клип муваффақиятсиз чиқса, ашулага зарар етказиши мумкин. Ашула фақат ашула бўлиб яшаши керак. Агар ҳар бир тингловчи ўз хаёлида ўзига ёққан воқеани тасаввур қилса, бу кўпроқ таъсир қилади. Номига клип олишининг кераги йўқ.

Назира ИНОЯТОВА

### Туб бурилиш

"Йўқ, нега энди улар?! Ахир аввалроқ мен ушбу услубни, мусиқани тушларимда кўрганман-ку!..." Бехосдан отилиб чиққан савол Тоҳирга узоқ вақтгача тинчлик бермади. 1988 йилда "Тонги почта" кўрсатувида "Ласковий май" чиқиши билан Тоҳир Содиқов уларнинг "касали" бўлди-қолди. "Ласковий май" худди ундан ниманидир олиб кўйгандай эди! Айнан шу ҳол унинг ижод қилишига кучли туртки берди. Ўша пайтгача бир-иккита кўшиқ ёзилган эди-да! Баҳодир Пўлатов билан мактабда дискотекалар уюштиришарди. Тоҳир гитара чалиб, ҳам бирга кўшиқ айтарди, ҳаракатлари кучлироқ ҳисобланган Баҳодир эса ди-джейлик қиларди... - Агар мендан "Тошкентдаги биринчи ди-джей ким?" деб сўрашса, кўркмасдан Баҳодир Пўлатов дердим. Саккизинчи синфдан бошлаб у билан бошқа мактабларга гастролларга чиқардик. У пайтда гуруҳ деган тушунча йўқ эди. Мусиқа кўямиз-у, бир томондан Баҳодир гапириб туради, мен куйлардим. Кейин Жавоҳир Зокиров кўшилди. Аввалига Жавоҳир менга ғалати кўринган: сочлари узун, кийимлари ғалати. Лекин одамлар билан тез чиқишиб кетадиган экан, у билан ҳам дўстлашиб кетдик. Мен, Баҳодир Пўлатов ва Жавоҳир Зокиров "великолепная тройка" бўлволиб, қаттиқ ишлашни бошладик.



Норвегия суди Андерс Брейвикни руҳий соғлом деб тан олди ва 21 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди.

### Нуқтаи назар:

моқларда шу даражада кўп муҳокама қилиндики, уларнинг аксарияти "21 йил, бу фирт аҳмоқлик", дея фикр билдиришмоқда. Шунинг ҳам алоҳида қайд

сида ўтайди, бу ерда унинг учун махсус жой жиҳозланди. Террорчига учта хона (ётоқхона, кабинет ва спортзал) ва ҳовлича ажратилди. Бу ер тиконли сим ўралган

## Брейвик 21 йилга ҳукм қилинди.

### Бу адолатданми?

21 йил - бу Норвегия қонунчилигида кўзда тутилган энг кўп муддат. Ушбу муддат тугаганидан кейин агар Брейвикни ҳамон жамият учун хавфли деб ҳисоблашса, уни ҳибсда қолдиришлари мумкин. Айблов томони Брейвикни руҳий носоғлом деб тан олишни талаб қилганди: бу ҳолда унга муддатсиз мажбурий даволаниш тайинланарди. Брейвикнинг ўзи ва адвокатлари эса, суд уни руҳий соғлом деб тан олишни талаб қилишди.

Маълумки, шу йилнинг июль ойида у Утойя оролида Ишчилар партиясининг

ёшлар лагерида 69 нафар кишини ўққа тутди, мамлакат пойтахтида бир қатор портлашни амалга оширди. Натижада, 77 кишининг ҳаётига зомин бўлиб, юзлаб хонадонлар қалбини вайрон қилди. Ўз хатти-ҳаракатини мамлакатнинг мультикултурлашиб, яъни маданияти хилма-хиллашиб бораётганига эътироз сифатида билдирган Брейвик жинояти устидан тергов жараёнлари қарийб тўққиз ой давом этди.

Бир йиллик тергов ва суд жараёнлари натижаси ўлароқ, унга жазо тайинланди. Аммо бу ҳукм социал тар-

этиш керакки, Норвегияда биринчи марта қонун нормалари ва ахлоқ меъёрлари ўртасида кескин жанг кетди. Чунки аксарият одамлар, сиёсатчилар Брейвикни қатл қилиш керак, дея таъкидлашса-да, Норвегия ҳуқуқ тартибот идоралари Брейвикнинг қонун билан ҳимояланган барча ҳуқуқларини таъминлашга мажбур бўлди. Бунинг суд эшитувининг иккинчи кунини суд ходими Томас Индребни мазкур процессдан четлатишгани ҳам тасдиқлайди. Негаки, у ўзининг фейсбукдаги саҳифасида Андерс Брейвик ўлим жазосига лойиқ, деб ёзган эди.

Брейвик 21 йиллик қамоқ жазосини "Ила" қамоқхона-

оқ бетон девор билан тўсилди. Бу қамоқхонада Брейвик бир йилдан буён сақланмоқда. Унга, шунингдек, ноутбук ҳам тақдим этилади.

Бизнингча, бу суд гарчи қонунлар доирасида ҳукм чиқарган бўлса-да, адолатсиз ҳукм чиқарди. Адолатсизлиги шундаки, 77 нафар кишининг умрига зомин бўлган инсонга умрининг 21 йилини яхши шароитга эга, кечаю кундуз ғамхўрлик қиладиган "қамоқхона"да ўтказди. Бу 77 кишига нисбатан, унинг оиласи, яқинларига нисбатан ҳам, қилмишга жавоб бериш нуқтаи назаридан ҳам адолатсиздир.

Мурод ҒОҒУРОВ.

## Олий таълимда АҚШга етиб бўлмайди. Дунёнинг «топ» беш юзта университети



Дунё университетларининг академик рейтинг асосида 2012 йилнинг дунёдаги энг зўр олий ўқув юртлари бўйича Шанхай рўйхати эълон қилинди. Рўйхатда университетлар илмий таркибининг Нобель мукофоти ва бошқа

мукофотларни қўлга киритгани, кўп мурожаат (цитата) қилинган тадқиқотчилар, илм-фан журналларидаги кучли чиқишлари ва бошқа тамойиллар асосида баҳоланган.


Унга кўра, дунёдаги энг зўр олий ўқув юрти Гарвард университети бўлиб, у қарийб барча кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларни кўрсатди. Иккинчи ўринни Стэнфорд, учинчи ўринни эса Массачусетс технологик университети эгаллаган.

Биринчи йиргимгирматалikka Буюк Британиядан Оксфорд ҳамда Япониянинг Токио университети кирган, хо-

лос. Қолган олий таълим муассасаларининг барчаси Американикидир.

Умуман, олий таълим муассасалари топ-500талигидан Американинг 150 та, Хитойнинг 42 та, Буюк Британиянинг 38 та, Германиянинг 37 та олий ўқув юрти жой олган. Буларнинг барчаси АҚШ олий таълим тизими ўз самарадорлиги бўйича юқори ўринларда эканлигидан далолатдир.

**Севги ҳақидаги тароналари билан бутун дунёга машҳур Демис Руссос октябрь ойи бошида Тошкентда ташкил этиладиган хайрия концертида иштирок этади. Мазкур концерт дастури Art Week Style.Uz-2012 санъат ҳафталиги доирасида бўлиб ўтади.**



## Демис Руссос Тошкентда концерт беради

Санъат ҳафталигининг очилиш кунинида европалик юлдуз Софи Элис-Бексторнинг рақс концерти ташкил этилиши кўзда тутилган. Шу билан бир қаторда, санъат ҳафталиги доирасида машҳур америкалик трубоч Крис Ботти иштирокида жазз концерти ҳам бўлиб ўтади. Art Week Style.Uz-2012 санъат ҳафталиги доирасида барча концертлар хайрия кўриши бўлиб ўтади.

Art Week Style.Uz-2012 Гулнора Каримованинг йиллик лойиҳаси бўлиб, унда турфа санъат йўналишларида тадбирлар уюштирилади. Чунинчи, анъанавий ва замонавий санъат йўналишлари бўйича фотоэкспозиция, миллий кийимлар фестивали, кинофестиваль, театр асарлари намойиши, хайрия тадбирлари, дунё эстрада санъати юлдузлари чиқишлари ҳамда мастер-класслар ўтказилади.

## Юлдуз Усмонова Исроилда концерт берди



Ўзбек эстрада санъати примадоннаси, Ўзбекистон халқ артисти шу йилнинг 3-6 сентябрь кунлари Исроилнинг Тель-Авив шаҳрида гастроль сафарига бўлди. Хонанда ижодий жамоаси

Ўзбекистоннинг Исроилдаги элчихонаси вакиллари томонидан кутиб олиниб, нафақат концерт дастури уюштирилди, балки яҳудийлар мамлакатининг диққатга сазовор жойларини томоша қилишлари учун ҳам шароит яратиб беришди, деб ёзади хонанданинг расмий сайти.

Ўзбекистон ва Исроил ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда Исроилдаги ўзбек диаспораси вакиллари, Ўзбекистоннинг Исроилдаги элчиси, Тель-Авив шаҳри мэри ва бошқа юқори мартабали меҳмонлар иштирок этди. Юлдуз Усмонов ўз кўшиқлари билан байрам тадбирига ўзгача шуқуқ берганлигини тадбир иштирокчилари бот-бот қайд этишди.

Юлдуз Усмонованинг муқаддас Куддус шаҳри тарихий обидалари билан яқиндан танишиб, катта таассурот олди, деб ёзади примадонна расмий сайти.

**Отанизнинг ўлганига анчагина йил ўтиб кетди. Бу йил - ўн еттинчи йилнинг кўкламида онамиздан ҳам ажралиб, шум етим бўлиб қолдик. Биз тўрт етимдан хабар олиб туришга катта онам - онамнинг оналари Роқиябиби келиб турибдилар. Бу кишини биз эркалаб «қора буви» деб атаймиз.**

**Оқшомлари бувим бошлиқ ҳаммамиз олди очик айвонда увунтўда кўрпа-ёстиқларга ўралиб, биттагина ўратепанинг кир ип шолчаси устида ухлаймиз.**

## Гофур Гулом

# Менинг ўғригина болам

Сентабр ойларининг охири, илк куз оқшомларидан бири эди. Ҳаво анчагина салқин. Биз етимлар бир-биримизнинг пинжимизга тиқилиб, бир-биримизни иситиб уйқуга кетганмиз. Қаторда энг сўнгги бўлиб, она чумчуқдай қора бувим ётардилар, у киши саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар.

Бу оқшом уч хўроз ўтгандан кейин, етти қароқчи юлдузи тик келганда гўнғир-гўнғир овоздан уйғониб кетдим. Бувим ким биландир анчагина баланд овоз билан суҳбатлашмоқда эдилар. Ҳовлимиз, ота-бувадан қолган, анчагина катта бўлиб, тўртбурчак таноби ҳовлилардан эди. Гир атрофи иморат, шимол томонда амакиваччаларимиз туришарди. Лекин улар ёзда боғга кўчиб кетардилар. Ҳозир улар томон бўш.

Буни қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри кепти. Бизни ҳам одам деб йўқлайдиган кишилар бор экан-да, дунёда? Эртага ўртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдим-да: «Бизнинг уйга ўғри келди». Фурур билан айтилса бўлади. Лекин ишонишармикан?

Ўғри ўша амакиваччаларнинг томидан секин юра келиб, бувимнинг тўғриларига келганда акса уриб юборибди. Бувим эса ёстиқни кўкракларига кўйиб, тил тагидаги нос билан ўйлаб ётар эканлар. Бувим «туф» деб носни туфлаб, томга қараб:

— Ўғригина болам, ҳой ўғригина болам, ҳойнаҳой бирор тирикликнинг кўйида томга чиққан кўринасан, ахир касбинг нозик, тумов-пумовингни ёзиб чиқсанг бўлмайдимми, — дебдилар.

Ўғри томдан туриб:

— Ахир, бувижон, сиз ҳам бироргина кеча тинчингизни олиб ухласангиз бўлмайдимми, бизнинг тирикчилигимизнинг йўлини тўсаврасизми? - дебди.

Мен гап шу ерларга келганда уйғониб кетган бўлсам керак. Қолган гапларни эшитганимча қилиб ёзаман.

— Ҳой, айланай, ўғригина болам, бошимда шундай мусибат турганда кўзимга уйку келадими? Мана: олти ой бўлди, бирор соат мижжа қоқиб ухлаганим йўқ. Кун-

дуз кунлар гарангдай довди-раб юраман. Бирор ерга ўтиб мизғигандай куш уйкуси қиламан. Кечалари хаёл олиб қочи кетади.

— Нималарни хаёл сура-сиз, бувижон? - бу гапдан кейин устидаги тўнини турмушча бўғотнинг устига ёстиқ қилиб кўйиб, ўғри ҳам ёнбошлаб олди.

— Нималарнинг хаёлини сурардим. Шу тўртта етимнинг эртасини ўйлайман-да, болам. Замонни ўзинг кўриб турибсан, тириклик тошдан қаттиқ, туянинг кўзидай нон анқога шапиф. Ҳали буларнинг кўлидан иш келмайди. Сўққабошгина аравакаш тоғаларининг тоғани ўзининг рўзгоридан ортиб, буларга кут-лоямут бўлиши қийин. Рўзгорда бўлса, кўз кўриб, қўл тутгудай арзигулик буюм қолгани йўқ. Бир чеккадан сотиб еб турибмиз. «Туриб еганга турумтоғ чидамас», деганлар. Эҳ-ҳа, бу болалар қачон улғаяди-ю, қачон ўзининг нонини топиб ейдиган бўлади! Чор-ночор хаёл сура-сан, киши. Тагин бу етимларнинг биттагинаси ўғил, учтаси қиз. Энди ўн тўртдан ўн бешга ўтди. Қизлари қурғур қачон бир ерга элашиб кетади-ю. Ўзи ўраб, ўзи чирмаб оладиган жой чиқмаса, буларга кимнинг ҳам кўзи учиб турибди дейсан. Замон қаттиқ, ўғригина болам, замон қаттиқ!

— Тўғри айтасиз, бувижон, - деди ўғри, - менинг ҳам икки болам, хотиним, битта кампир онам бор, бир товукча ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидек, шуларни боқишим керак. Тўртта чавати нон топиш учун ўзимни ўтга, чўғга, Алининг қиличига ураман. Бўлмаса, ишлаб десам билагимда қувват бор, ақл-у хушим жойида. Менга ҳозир шу қилиб турган ўғрилик касби ёқади, дейсизми. Туппа-тузук аёлманд касбининг боласи эдим. Замон чаппасига кетди. Керинска пошшо бўлгандан кейин уруш тўхтади, деган эдилар. Ҳали-бери тўхтайдиган кўринмайди. Ҳали ҳам замон-замон ўша илиги тўқларники.

— Бирор бошқа касб қилсанг бўлмайдимми, болам, - деди кампир.

— Нима касб қилай? Ҳамма касбларнинг ҳам бозори касод. Ота касбим кавушдўзликни қилайми? Ав-

вало шуки, кавуш тикишга на чарм бор, на сирач, на мих, на лок. Масаллигининг ўзи битиб чиққан кавушдан уч баравар қиммат. Ҳаммолик қилай десам, аввалгидек қоплаб ғалла, қоплаб сабзи-шолғом оладиган бадавлатнинг тухуми қуриган. Тунов куни шу маҳалланинг девкор этикдўзларидан Бувамат ота бутун қолип-у шон-у сўзан, бигизларини улгуржисига икки пуд жўхори унга мовоза қилди. Яхши қилди. Унинг этигини киядиган ўзбек, қозок, қирғиз деҳқонлари қаёқда дейсиз, қолган эмас. Фақат уларнинг етимларигина шахримизни тўлдириб

## Ҳикоя

юрибди. Қайси бурчакка, қайси чордеворга бош суқманг, ўн бешта етим ювуқсиз кўлини чўзиб: «Амаки, нон беринг», дейди. Нон-а, ўзимникига тополмайман-у! Битта ман эмас, буви, маҳалладаги ҳамма косибларнинг аҳволи шунақа. Пичоқчилар ҳам, бўзчилар ҳам, кўнчилар ҳам, боринги, мактаб домлалари ҳам, муллаваччаларнинг ҳам ранги пано. Бир қошиқ оби ёвғонга зор. Санқиб юрибди.

— Хув, худоё уруши бошига етсин, қиёмат-қойим дегани шудир-да, а, ўғригина болам-а. Ҳа, майли, шу етимларнинг ҳам пешанасига ёзгани бордир. Хўш, энди ўзингдан сўрай. Ахир, ноиложликдан-ку, шу ҳаром йўлга қадам босибсан, ўзига тўқроқ, бадавлатроқ одамларникига борсанг бўлмайдимми? Мана шу маҳаллада Карим қори деган читфуруш бор, Одилхўжабой деган пудратчи бор. Матёқуббой деган кўнчи бор. Буларнинг давлати-ку мил-мил. Бешикадаги боласи ҳам четига байт ёзилган чинни косада ош ичади. Шуларнинг томини тешсанг бўлмайдимми?

— Эй, бувим тушмагур, соддасиз-да, содда, - деди ўғри. - Бойларнинг уйига тушиб бўладими, уларнинг пахсаси саккиз қават, эшиклари темирдан, ҳар биттасининг кўрасида эшакдай-эшакдай иккита, учтадан итлари бор. Бу итлар ҳовли саҳнидан битта капалак ўтса, бир ҳафта вовуллайди.



Одилхўжабойнинг гуломгардишида-чи, милтиқ ушлаган городской туради. Жонимдан кечибманми, ўлдирмаганда ҳам сибир қилиб юборди.

— Бу гапинг ҳам тўғри, ўғригина болам. Аммо-лекин эҳтиёт бўл. Эл-юртнинг олдида тагин бадном бўлиб қолмагин, - деди бизнинг кампир.

— Гапингиз тўғри, буви, тунов куни Ориф сассиқнинг отхонасидан тўртта товук, битта хўроз ўмарган эдим.

— Товук, хўроз дедингми? Ҳа, бу махлуқлари қурғур қақақлаб сени шарманда қилмадимми?

— Ҳамма ишнинг ҳам ўз мароми бўлар экан, буви, товук олгани борганда чўнтагимга бир шишага сув солиб оламан. Кейин кўндоқнинг тагига бориб, оғзимни сувга тўлдириб товукларга пуркайман. Товукдай аҳмоқ жонивор оламда йўқ. Ёмғир ёғяпти, шекилли, деб ўйлаб, бошини ичига тиқиб, ҳап ётаверади, кейин битта-битта ҳиқилдогидан тутиб халтага соламан.

— Шунақа дегин, вой тавба-эй. Ҳамма хунарнинг ҳам ўзининг мурт гардони бўлар экан-да.

— Шундай қилиб десангиз, бувижон, сиримнинг хашиги очилишига оз қолди. Йўқ, элликбошимиз Раҳмонхўжага хўрозни олиб бориб босди қилиб юборди. Раҳмонхўжа мен билан тузук, яхши одам. Бултур унибуни сотиб, саксон уч сўм пул жамғариб: «Топганимиз шу, элликбоши ота», деб пора берган эдим, рабочийга кетишдан олиб қолди.

— Ҳа, ишқилиб, бола-чақасининг эгилигини кўрсин. Энди буюққа қара, ўғри болам, ҳадемай тонг ҳам ёри-

шиб қолар. Ана, ёруғ юлдуз ҳам тиккага келиб қолди. Ошхонанинг ёнидаги тутдан сирғалиб пастга туш, ўтинимиз йўқ. Ошхонада бир замонлар боғдан келган бир-иккита ёнғоқ тўнка бор, болтани олиб, шунинг бир чеккасидан озгина учириб бер, қумғон кўяман. Кеча тоған бериб кетган зоғорадан иккитасини олиб қўйганман, биргаллашиб чой ичамиз.

— Йўғ-э, буви, - деди ўғри, - тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Жуда ҳам юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан.

— Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам? Бир нима олиб кет. Тўхта, нима олиб кетсанг экан, ҳа, дарвоқе, ошхонада битта ярим пудлик қозон бор. Алламонлар уйимизда одамлар кўп эди, катта қозонда ош ичардик. Худонинг гашига тегдик шекилли, шундоқ катта, гуркираган хонадондан мана шу тўрттагина етим қолиб турибди. Эҳ-ҳа, булар қачон катта қозонни қайнатар эди-ю... Шуни олиб кета қол. Сотиб бир кунингга яратарсан, ўғригина болам.

— Йўқ, йўғ-э, буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-хув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади. Яна катта оилалар жам бўлади. Ҳатто бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин. Тўйларида ўйнаб-қулиб хизмат қилайлик. Хайр энди, буви, мен кетаман, тоғ томон ҳам ёришиб қолди.

— Хайр, ўғригина болам, келиб тур.

— Хўп, она, хўп...

Мен ўша ўғри кишини танир эдим. Ҳалигача ҳеч кимга кимлигини айтган эмасман.

## Ўзбекистон ФИФА рейтингда 7 поғона пастлади

**Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси — ФИФА терма жамоаларнинг сентябрь ойи учун рейтингини эълон қилди.**

Август рейтингда икки поғона юқорилаб, 63-ўринга кўтарилган Ўзбекистон терма жамоаси янги рейтингда етти ўринга пастда ва айни вақтда 70-поғонадан жой олган. ФИФА расмий сайтининг ёзишича, янги рейтингга олти қитъада бўлиб ўтган жами 54 ўйин натижалари ҳам таъсир кўрсатган. Маълумот ўрнида, август ойида Миржалол Қосимов қўл остидаги Ўзбекистон терма жамоаси Иордания терма жамоасига қарши иккита ўртоқлик учрашувида майдонга тушди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси умумий рейтингда пастлаганига қарамай, Осиё терма жамоала-

ри орасида ҳали ҳам кучли бешликда бормоқда. Ўтган ойдаги каби бу сафар ҳам Осиёда олтинчи бўлиб турган Хитой терма жамоаси бир ой ичида 9 ўринга пастлаб, айни вақтда 78-поғонани Ироқ билан бўлишиб турибди. Осиё қитъасидаги кучли тўртликда ўзгариш бўлмаган: Япония (23), Австралия (25), Жанубий Корея (27), Эрон (54). Қайд этиш жоиз, рўйхатдаги сўнгги икки терма Ўзбекистоннинг ЖЧ-2014 саралаш 4-босқичидаги рақиблари ҳисобланади.

Саралашдаги Ўзбекистоннинг бошқа икки рақиб - Қатар ҳамда Ливан терма жамоалари сентябрь

ойи рейтингда фақат юқорига кўтарилишган. Қатар терма жамоаси икки ойлик ўзгаришсиз ҳолатдан сўнг бу сафар 6 ўринга юқорилаб, 92-поғонани банд этган бўлса, август рейтингда кўтарилиш бўйича ўзига хос натижа кўрсатган Ливан бу сафар 3 ўринга юқорилади ҳамда жаҳон миқёсида 124, Осиё мамлакатлари орасида 16-ўринни эгаллаб турибди.

Жаҳон рейтингининг юқори ўнлигида катта ўзгаришлар кузатилмаган: Испания ҳамон пешқадам, ундан кейинги ўринларда Германия ҳамда Англия терма жамоалари боришмоқда. Ягона ўзгариш сифатида 5-ўриндаги Порту-



галия билан 4-ўриндаги Уругвайнинг ўзаро жой алмашганини қайд этиш мумкин. Рейтингда энг юқори кўтарилишни Бермуда ороллари терма жамоаси қайд этган бўлса (18 ўрин тепага, 102-ўрин), Литва терма жамоаси 31 ўринга пастлаб, ўзига хос антирекорд ўрнатди (116-ўрин).



Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма бир йиллиги кенг нишонланаётган бир кунда таниқли боксчи, собиқ жаҳон чемпиони Руслан Чагаев яна бир ғалабаси нашидасини сурди. Германиянинг Оберхаузен шаҳрида бўлиб ўтган баҳсда энг оғир вазн тоифасида ҳамюртимиз Руслан Чагаев маҳаллий боксер Вернер Крейскотни мағлуб этди.

### Руслан Чагаев германиялик Вернер Крейскотни техник ноқдаунга учратди

**Ўзбекистонлик боксчи бутун жанг давомида ташаббускорликни ўзида сақлаб, аниқ ва ишончли ҳаракат қилди. Учрашувнинг 5-раундида Руслан рақибини ноқдаунга учратди. Унинг рақиб яна рингга қайтиб, жангни давом эттирди. Аммо барибир Русланнынг чапдан берган кучли зарбаси уни яна мувозанатдан чиқариб юборди. 6-раундда ҳам Русланнынг немис боксчисини "калтаклаш"да давом этди. Аммо еттинчи раундда Крейскот учинчи маротаба ноқдаун ҳолатига тушгач, рефери баҳсни тугатишга қарор қилди. Руслан техник ноқдаун билан ғалаба қозонди.**

**БФС Ўзбек хизмати тарқатган хабарда келтирилишича, шу йилнинг июль ҳолатига Руслан энг оғир вазн тоифасида WBA рейтингда еттинчи ўринни эгалламоқда. У қатор жанглари ўтказиш орқали ўз рейтингини яхшилаб, келаси йил куз ойларида WBA йўналишида Жаҳон чемпионлиги камари учун даъвогарлик қилмоқчи.**

### Фузорнинг "Шўртан" клуби бош мураббийи ва ҳужумчиси август ойининг энг яхшилари бўлишди

**Фузорнинг "Шўртан" клуби бош мураббийи Эдгар Гесс август ойининг энг мураббийи деб топилган бўлса, жамоа ҳужумчиси Игорь Таран ойининг энг яхши ўйинчисига айланди, деб хабар Ўзбекистон Футбол федерацияси сайти.**



Ўзбекистон Футбол федерацияси ОАВ овозига кўра август ойи лауреатларини аниқлаб олди.

2012 йилнинг июль ойидан Фузорнинг "Шўртан" клубини қабул қилиб олган Эдгар Гесс илк бор ойининг энг яхши мураббийи деб топилди. Гесс қўл остида "Шўртан" август ойида Олий Лига доирасида тўртта учрашув ўтказиб, 12 имкониятдан 10 очко ишлади. "Қизилқум", "Машъал" ва "Андижон"га қарши ўйинларда "Шўртан" жами 11та гол урган бўлса, "Пахтакор"га қарши сафар ўйинида 0:0 ҳисобида дуранг ўйнади.

Игорь Таран август ойи давомида жами учта гол уриб, Олий Лига тўпурақлари пойгасида 2-ўринга кўтарилиб олди. Футболчи "Машъал"га қарши 15-тур учрашувида битта гол урган бўлса (3:1), "Андижон"га қарши ўйинда дублга эришганди (6:1). Маълумот ўрнида, Игорь Таран март ойи сўровномасида учинчи бўлганди.

Август ойи рейтингда мураббийлар орасида "Локомотив"да ишлаётган Ҳаким Фузайлов иккинчи бўлган эрса, "Пахтакор" бош мураббийи Мурод Исмоилов учинчи бўлди. Футболчилар орасида эса Саудия Арабистонининг "Аш-Шабоб" клубида фаолиятини давом эттираётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Сервер Жепаров иккинчи, "Нефтчи" ҳужумчиси Анвер Бердиев эса учинчи бўлди.

### ФИФА Миржалол Қосимовни туғилган куни билан табриклади

**Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси расмий сайти – FIFA.com футбол оламида катта номга эга бўлган ва янги ҳафтада ўз таваллуд кунини нишонлайдиган шахслар ҳақидаги анъанавий яқшанбалик мақола-сида Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимовни табриклади, деб ёзади Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизмати расмий сайти.**

Миржалол Қосимов 17 сентябрь куни 42 ёшга тўлди.

"Миржалол Қосимов ўзбек футбол тарихидаги энг машҳ-

ур номлардан биридир. Ўзбекистон мустақилликка эришишдан аввал у СССР терма жамоасига 1987 йилги ўсмирлар

ўртасидаги жаҳон чемпионатида голиб чиқишга ва келаси йили ёшлар ўртасидаги Европа чемпионатида кумуш медалларни қўлга киритишига ёрдам берган. Кейинги халқаро мусобақаларда у Ўзбекистон терма жамоаси либосларида ҳаракат қилиб, икки марта – 2000 ва 2004 йилги Осиё Кубоги финал босқичида иштирок этди, бироқ у ва унинг жамоадолари бирор марта ҳам жаҳон чемпионатларининг финал босқичи йўлланмасини қўлга кирита олишмади", – дейилади FIFA.com'даги мақолада.

# «ЁҚУТ» сканворди

Хисоб фани	Ўзбегим машинаси	Газ	Ҳаммаси	Жет...
	Куй	Исм	Қалтироқ	Шуғулланиш
Каратэ майдони				Юклама қўшимчаси
				Асло Вазифа
Портловчи			Миллат	Солт Лейк
Худуд			Хотин	...
	Ост	Удум		
	Кастро	Қизлар исми		
		Халқ, Кавказ		Вафо
		Дур		
			Қизғиш метал	
			Наво	
Геркулес	Чарчаш		Халқ	Буви (шева)
Ноёб	Пайқамбар		Дона	
			Катод акси	
			Дарё	
Машхур				Эдгар... (ёзувчи)
				Сувли
		Қардош миллат		
Автомобиль	Таъкид юклама			
Этибор	Қандай			
		Касаллик		

www.ziyouz.com

## Aldarko'sa va boy



Bir kuni Aldarko'sa yo'lda ketayotlsa, uning oldidan boy chiqib qolibdi. U Aldarko'saga:

— Hoy Aldarko'sa, qani meni bir aldab ko'rchi, qo'lingdan kelarmikan? — debdi. Aldarko'sa qarasa boy juda takabbur ko'rinadi. Aldarko'sa «buni qanday qilib aldasam ekan, quruq aldasammikan yoki ho'l aldasammikan», deb o'ylanib turibdi-da:

— Boy ota, aldar edimu hozir kayfim yo'qroq, — debdi.

— Nega kayfing yo'q? — debdi boy.

— Bir odamdan uch tanga olgan edim, shu

ta'bimni xira qildi.

— Mana, senga yeb ketarga uch tanga. Qani, endi aldab qo'yasanmi? — deb boy unga pul tutqazibdi.

— Rahmat sizga, boy ota, men mana bu pulni haligi nokastaga berib, kelishda aldar xaltamni olib kelaman. Ana undan keyin hangomani ko'rasiz, — deb Aldarko'sa jo'nab ketibdi.

Boy uni yetti xuftongacha kutibdi, kelmabdi. Shundan keyingina aldanganini bilibdi.

## Omonatga xiyonat

Kunlardan bir kun bir kishi o'ralgan, muhrlangan bir xaltachani do'stining huzuriga keltirib:

— Do'stim, men safarga chiqib ketayotibman, ichida ming oltin bo'lgan shu xaltachani senga omonat topshiraman, safardan qaytib kelganimdan so'ng olaman, — deb xaltachani topshirdi va o'sha kun safarga chiqib ketdi. Safari uzoq vaqtga cho'zildi.



Do'sti

omonatga xiyonat qilib, xaltachaning bir tomonini so'kdi, oltinlarni olib, tangalar bilan to'lg'izdi, so'kilgan joyini hech bilinmaydigan qilib tikib qo'ydi. Oradan o'n yil o'tgandan keyin omonat egasi safardan qaytib kelib, do'stidan qo'ygan omonatini talab qildi. Do'sti xaltachani chiqarib berdi. Omonat egasi xaltachani ochib, tangalarni ko'rgach, hayron bo'lib do'stidan:

— Xalta ichidagi oltinlarim qani? — deb so'ragandi, do'sti inkor qilib: "Xaltachaga nima solib qo'ygan bo'lsang, shunday turibdi, qarab ko'r, bosgan muhring ham buzilmagan, tag'in nima da'vo qilasan", — dedi. Omonat egasi xaltachani olib shahar qozisiniig huzuriga borib voqeani bayon qildi. Qozi juda aqlli va tadbirli

odam edi. U darhol xiyonatchi do'stni chaqirib olib, omonat egasining shikoyatini aytdi. Xiyonatchi do'st inkor etishda davom qildi.

— Omonat qo'yganingga necha yil bo'ldi? — deb so'ragan edi, u kishi omonat qilib topshirganiga o'n yil bo'lganini aytdi.

Qozi hamma tangalarning bosilgan yillariga ko'z tashladi. Tangalarning bosilganiga ikki-uch yildan ortiq bo'lmagan edi. Qozi xiyonatchi do'stga tangalar-ning bosilgan yillarini ko'rsatgan edi, u sharmanda bo'lib, qilgan aybiga iqror bo'lishga majbur bo'ldi. Tadbirli, farosatli qozi oltinlarni xiyonatchidan olib egasiga topshirdi.

Qozining buyrug'i bilan xiyonatchini eshakka teskari mindirdilar. "Omonatga xiyonat qilgan kishining jazosi shunday bo'ladi?" deb qichqirib, shahar, ko'cha va bozorlarni aylantirdilar.

## Tulki bilan tovus

Ertagiyo ertagi, echknlarning bo'rtagi, qirg'ovul qizil ekan, quyruq'i uzun ekan, ko'k muzga mingan ekan, muruti singan ekan, g'oz karnaychi ekan, o'rdak surnaychi ekan, ola qarq'a azonchi, qora qarq'a qozonchi, chumchuq chaqimchi ekan, to'rg'ay to'qimchi ekan, bo'ri bakovul ekan, tulki yasovul ekan, ertagimning eri bor, yetti kunlik yeri bor, yetti kunlik yerida dumi kalta bo'ri bor.

Kunlarning birida tulki ketayotgan ekan, bir tovus dumini setora-setora qilib kelaveribdi. Shunda tulki aytibdiki:

— Ey tovus, ajab-ajab o'yinlaring bor ekan, bir yaxshilab o'ynab bergin.

Tovus dumini setora-setora qilib o'yinga tusha beribdi. Tulkining qorni och ekan, o'ynab turgan paytida uni ushlab olibdi. Bir vaqt tovus qarasa, tulkining avzoyi buzuq, uni yemoqchi bo'lib turibdi. Tovus:

— Ey tulki, nima qilyapsan? — debdi. Tulki aytibdi:

— Mening qornim och, endi seni yegim kelib qoldi.

Tovus:

— Xo'p mayli, meni yegin, lekin ko'z oldimda, bir fотиha o'qib yesang, hech armonim qolmas edi, — debdi.

Shunda tulki pichir-pichir qilib qo'lini ko'taribdi:

— Omin, ollohu akbar, — degan ekan, tovus tulkining oldidan "var" etib uchib ketibdi. Tulki qo'lini ko'targanicha tovusga qarab turib shunday deb fотihasini davom ettiraveribdi:

— Ovqat yemasdan oldin fотiha o'qigan ahmoq ekan, ovqatni yeb bo'lib, undan keyin fотiha o'qish kerak ekan, omin ollohu akbar, — deb fотihasini tamom qilibdi.

# БМТда Ўзбекистон мустақиллиги нишонланди

**Ўзбекистон мустақиллигининг 21 йиллигини нишонлаш арафасида БМТнинг бош қароргоҳида "Фонд Форум Ўзбекистонни тақдим қилади" деб номланган фото-кўргазма тақдимоти бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий ваколатхонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда 200га яқин меҳмонлар иштирок этди. Улар орасида БМТ хузури-

даги 60 дан ортиқ дипломатик миссиялар раҳбарлари, 30 дан ортиқ бош консуллар, шунингдек, халқаро ташкилотлар, АҚШнинг илмий, ишбилармонлар ҳамда маданий доира-

лари вакиллари бор эди.

Тадбирда, жумладан, БМТ Бош қотиби ўринбосари Ву Хонбо, Бош ассамблея ва ЭКОСОС ишлари бўйича директор И.Ботнару, БМТТДнинг Европа ва МДХ бўйича минтақавий директори ўринбосари Х.Шу, ЮНИСЕФнинг катта маслаҳатчиси Е. Станиславов, Туркистон - Америка уюшмаси президенти А.Хўжа, АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси президенти Б. Қандов, "Ватандош" газетаси ношири Фарход Султон, шунингдек, АҚШдаги ўзбек диаспораси вакиллари, Америкада таҳсил олаётган талабалар иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон тарихи ва бугунини ўзида акс эттирган фото-кўргазмадан катта таассурот олиб, уларнинг кўпчилиги гарчи Ўзбекистонга ташриф буюрмаган бўлса-да, хаёлон Ипак йўли кўҳна шаҳарларига сайр қилганларини қайд этишди. Улар кўргазма доирасида ўзбек халқининг урф-одатлари, қадриятлари, амалий ва бадий

санъати ҳақида катта тасаввурга эга бўлишди.

Тақдимотда "Фонд Форум Ўзбекистонни тақдим этади" китоб-фотоальбомини БМТ Бош Ассамблеясининг жорий 66-сессияси раиси Н.Насерга, ўзбеклар ва Бухоро яҳудийлари уюшмалари раҳбарларига топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тақдимот доирасида, шунингдек, ўзбек миллий таомларидан дастурхон тузатилиб, меҳмонларга бир пиёла чой узатилди.



**BRAMSON ORT**  
COLLEGE [www.BramsonORT.edu](http://www.BramsonORT.edu)

**QUEENS CAMPUS**  
69-30 Austin Street, Forest Hills  
866-644-2925  
Zoya Yakubova ext. 178

**BROOKLYN CAMPUS**  
8109 Bay Parkway, Brooklyn  
866-854-5014  
Tatyana Golavko ext. 233

- ACCOUNTING
- PARALEGAL
- BUSINESS & HOTEL MANAGEMENT
- BUSINESS MANAGEMENT ONLINE DEGREE
- ADMINISTRATIVE ASSISTANT
- MEDICAL ASSISTANT
- PHARMACY TECHNICIAN
- PROFESSIONAL BILLING AND CODING
- ELECTRONICS TECHNOLOGY
- HVAC & CADD
- RENEWABLE ENERGY TECHNICIAN
- COMPUTER NETWORKING
- COMPUTER PROGRAMMING
- GRAPHIC DESIGN
- GAME DESIGN & PROGRAMMING
- WEB DESIGN & WEB ANIMATION
- ENGLISH AS A SECOND LANGUAGE

**GET YOUR DEGREE!**

**LOW TUITION!**

**REGISTER TODAY**

**EDUCATION is**  
**The SECRET to**  
**SUCCESS!**  
**Invest in YOUR**  
**FUTURE!**

- ✓ ПОМОГАЕМ В ТРУДОУСТРОЙСТВЕ
- ✓ ОКАЗЫВАЕМ ФИНАНСОВУЮ ПОМОЩЬ

- ✓ КЛАССЫ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ
- ✓ ДНЕВНЫЕ, ВЕЧЕРНИЕ И УТРЕННИЕ КЛАССЫ

The Bramson ORT Programs Gainful Employment Disclosures are posted on [www.BramsonORT.edu](http://www.BramsonORT.edu)

**OPEN HOUSE**  
**EVERY**  
**WEDNESDAY**